



## МУЗЕЙДА ЎТИЛАЁТГАН ДАРСЛАР

самаралироқ бўлишини Ўзбекистон халқ ўқитувчиси Қосим Ёқубов яхши билади

Ёшлар — келажгимиз. Уларнинг таълим-тарбиясида эса ўқитувчи ва мураббийларнинг ўрни беқиёс. Шу боис ҳар йили Ўқитувчилар ва мураббийлар куни муносабати билан устозларга алоҳида эҳтиром кўрсатилади, энг илгорлари Давлат мукофотларига тавсия этилади. Чунончи, Бекобод туманидаги 11-умумий ўрта таълим мактабининг тарих фани ўқитувчиси Қосим Ёқубов учун бу йил кутлуг келди. У Президентимизнинг "Ўқитувчилар ва мураббийлар куни муносабати билан мамлакатимиз таълим-тарбия тизимида алоҳида ўрнатилган ходимлардан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида"ги Фармонида кўра, "Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси" фахрий унвонига сазовор бўлди.

Дарҳақиқат, устоз айни кунда ҳам ёш авлодни миллий истиқлол гоёси, миллий ва умумбашарий қадриятлар руҳида соғлом ва баркамол қилиб тарбиялашга муносиб ҳисса қўшиб келаётир. Энг асосийси, у дарсларни ўзи ташкил этган мактаб "Тарих музейи"да ёки кўргазмали қуроллар воситасида қизиқарли тарзда ўтказади. Шунга яраша натижалар ҳам чакки бўлмаяпти. Ўқувчилари турли беллашувларда, фан олимпиадаларида совринли ўринларни эгаллаб келишяпти. Хуллас, Қосим Ёқубов олиб бораётган изланишлар, у қўллаётган иш усуллари ўқувчиларига фақат муваффақият келтирмаяпти.

Суратда: Ўзбекистон халқ ўқитувчиси Қосим Ёқубов ўқувчилари билан янги топилмалар хусусида суҳбатлашмоқда.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Нўмонжон МУХАММАДЖОНОВ олган сурат.



GAZETANI VARAQLAGANDA:

КўНГИЛЛАРДА БУРЧ  
ТУЙГУСИН СОЛОЛГАН  
ҚУЖЖАТ

3-бет

REYTING TIZIMI  
AFZALLIKLARI

3-бет

ЗИЁ УЛАШИШ, ИЛМ  
БЕРИШ — САВОБ

5-бет

АЛИШЕР НАВОИЙ  
ВА ТИЛ  
МУАММОЛАРИ

6-бет

ОНА ТИЛИМ,  
СЕН БОРСАН,  
ШАКСИЗ...

7-бет

«NAFOSAT» LI  
QALBLAR HAYRATI

16-бет

### SO'NGGI UCH KUN MUJDA LARI

МАHKAMA  
MAJLISI

17 oktyabr kuni O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining majlisi bo'lib o'tdi. Unda vazirliklar, qo'mita, kompaniya, korporatsiya, kontsern va uyushmalar rahbarlari, Qoraqalpog'iston Respublikasi Vazirlar Kengashi Raisi, viloyatlar va Toshkent shahar hokimlari ishtirok etdi. Majlisda Prezident Islom Karimovning Vazirlar Mahkamasining 2003 yil 17 fevral va 18 iyuldagi majlislaridagi ma'ruzalarida belgilangan vazifalarning bajarilishi, islohotlarning ustuvor yo'nalishlari hamda mamlakatimizni ijtimoiy-iqtisodiy rivojlantirishning to'qqiz oylik yakunlariga oid masalalar ko'rib chiqildi.

O'zbekiston Respublikasi Bosh vaziri O.Sultonov boshqargan majlisda muhokama etilgan masalalar yuzasidan tegishli qarorlar qabul qilindi.

Момокўпир — Хоразм вилоятининг кўшни Қорақалпоғистон Республикасининг Амударё тумани билан чегарада жойлашган энг чекка қишлоқ. Авваллари бу ерда истиқомат қилувчи аҳолининг фарзандлари 7-8 километр йўл босиб Навоий номидаги мактабга қатнаб илм олардилар. Айниқса, ёш болаларга қишнинг қировли ва аёзли, баҳорнинг серёғин кунларида мактабга қатнаш жуда оғир кечарди.

би етган оилалар фарзандларининг келажигини ўйлаб ҳайрия маблағларини тўпладилар. Озод Жуманиёзов, Эшмуҳаммад Мадаминов, Мамматсолий Холматов, Бозорбой Абдурахмонов сингари саховатпеша инсонларнинг ҳар бири мактаб қурилиши учун 100-120 минг сўмдан зиёд маблағ бердилар. Маҳалланинг қурувчи-усталари — Бозорбой Ўрозбоев, Хайрулла Юсупов, Тохир Нороновлар бинони су-

### Tuhfa

масига қарашли "Олчин" аҳоли ҳудудида истиқомат қилувчи ўқувчилар ҳам уйларига яқин жойда қурилган янги мактабнинг кенг ва ёруғ хоналарида билим оладилар.

1 октябрь — Ўқитувчилар ва мураббийлар куни — умумхалқ байрами муносабати билан бу ерда чинакам байрам шодийнаси

## ЧЕККА ҚИШЛОҚДА ЯНГИ МАКТАБ

Гурлан туманидаги "Қорақалпоғистон" ширкат хўжалиги бошқаруви раиси Сафарбой Собиров бу ҳолатни кўриб ушбу муаммага барҳам бериш мақсадида ҳашар усулида мактаб қуришга жазм этди. Хайрли ташаббусни Гурлан туман ҳокимлиги қўллаб-қувватлади. Шу тарзда мактаб қурилиши бошлаб юборилди.

Қувончли хушхабар халқнинг дилидаги гап бўлди. Момокўпир элатининг йигитлари энг шимариб ҳашарга отландилар. Қур-

воқ қилишга беминнат хизмат кўрсатдилар. Туркман Йўлдошев эса ҳар куни қурувчи-усталарга ўз ҳисобидан овқат тайёрлаб берди.

Ҳа, шундай қилиб Момокўпирда янги мактаб биноси қад кўтарди. Яратилган бундай қулайлик кўпчиликка маъқул бўлди. Энг муҳими, ўқувчи-ёшларнинг дилидаги орзулари ушалди. Эндиликда нафақат Момокўпир, балки кўшни қишлоқлар, шунингдек, "Ўзбекистон" фермерлар уюш-

булиб ўтди. Гурлан туман ҳокими Р.Матрасулов, кекса педагог Йўлдош Шерматов, мактаб ўқувчиси Насиба Отажонова, "Қорақалпоғистон" ширкат хўжалиги бошқаруви раиси Сафарбой Собировлар сўзга чиқиб ўзларининг дил изҳорларини билдирдилар. Фаол қурувчиларга мукофотлар топширилди.

Шавкат ХУДОЙБЕРГАНОВ,  
Хоразм вилояти

«Ma'rifat» газетасига обуна давом этмоқда!

## SO'NGGI UCH KUN MUJDAIARI

### TABARRUK MASKAN

Bundan etti yil oldin — 18 oktyabr kuni Temuriylar tarixi davlat muzeyi o'z faoliyatini boshlagan edi. O'tgan yillar davomida bu maskan xalqimizning va yurtimizga tashrif buyurgan nufuzli mehmonlarning eng sevimli, qadrli dargohlaridan biriga aylandi.

Zero, muzey — tarix ko'zgidir. — Etti yil davomida muzey xalqimizning sevimli ziyoratgohiga aylandi. Shu davr mobaynida uni 1 million 200 mingdan ziyod kishi tomosha qildi.

### BARCHA TOVARLAR VALYUTAGA SOTILDI

"O'zauksionsavdo" ixtisoslashtirilgan tashkiloti yuqori likvidli mahsulotlarni xorijiy kompaniyalar va vakolatxonalariga erkin almashtiriladigan vlyutaga sotish bo'yicha kimoshdi savdosi o'tkazdi. Savdoga talab katta bo'lgan paxta tolasi, katod mis, mis kupurosi, qora metallar prokati, shrot qo'yildi. Bu mahsulotlarni Olmaliq konmetallurgiya kombinati, "Paxtasanoat" hududiy aksiyadorlik birlashmasi, "O'zmetkombinat" (Bekobod), "Yog'moytamakisanoat" uyushmasi sotdi. Yoqilg'i o'z vaqtida etkazilyapti. Yurtimizda paxta yig'im-terimi avj pallasiga kirdi. Bu jarayonda texnikani yoqilg'i bilan o'z vaqtida ta'minlash muhim ahamiyat kasb etadi.

"O'zneftmahsulot" kompaniyasidan olingan ma'lumotlarga ko'ra, bugungi kunda mamlakatimizda mavjud 25 neft bazasi va uning 32 shoxobchasi orqali mexanizatorlarga shu kungacha yuz ming tonnadan ortiqroq dizel yoqilg'isi va yetti ming tonnadan ziyod benzin yetkazib berildi.

### BIOLOGIK TEKNOLOGIYALAR ISTIQBOLI

Poytaxtimizda biologik texnologiyalarning rivojlanish istiqbollari va xavfsizligi masalalariga bag'ishlangan xalqaro ilmiy anjuman bo'lib o'tdi. Uni O'zbekiston Fanlar akademiyasining Biorganik kimyo instituti va Ukraina ilmiy-texnologiya markazi hamkorlikda tashkil etdi. AQSh, Kanada, Shvetsiya, Finlyandiya, Rossiya, Ukraina kabi mamlakatlardan olimlar ishtirok etgan anjumanda biorganik kimyo fani va biologik texnologiyalar rivoji, ulardan tibbiyot, qishloq xo'jaligi, oziq-ovqat sanoati va atrof-muhitni sahumofazalashda foydalanish masalasiga bag'ishlangan ma'ruzalar tinglandi.

Қамоқ... Ақлимни танибманки, бу сўзни эшитсам вужудимни титроқ босади. Кўз ўнгимда узокларда қолиб кетган болалигим, ёзининг сокин кечалари жонланиб, кўшни кампирнинг лаблари пирпираб набирасининг сочларини силаганча худога нола қилганлари қулгим остида жаранглайверади. Ўшанда мурғак дунёим билан қамоқнинг совуқ даҳшатини ҳис этгандай бўлардим. Момо янги-янги маталлар сўйлар, гоҳи кўз ёшларини арта-арта маҳзун оҳангларда ўзича хиргойи ҳам қилиб кўярди... Ойимнинг айтиб беришича, дугонамининг отаси биргина ўғил бўлиб, бувининг бор орзу-умиди ундан эди. Момо бир эмас, етти фарзанд кўрган турмаган, охири шу Турсунпўлатга суяниб умрини ўтказиб қолган экан. Турсунпўлат ака ҳам жуда бообрў, қишлоқликларнинг оғир-енгил қунига ярайдиган киши бўлиб, касби ҳайдовчилик эди. Нима бўлди уша йиллари у автобилида бир кишини ногаҳон уриб кетиб қамалиб қолди. Бугун қишлоқ у кишига қафил! Ҳамма жабрланувчининг маст эканини тақрорласа-да, қонун Турсунпўлат аканинг айбидан кечмади. У неча йилларгадир «кесилиб» кетди. Кўни-кўшнлар кунора момоникда. Бувининг эса кўзидан ёши аримайди. Дугонам шўрлик ҳам бола бўлиб яйраб ўйнаб-қуллолмайди...

... Сокингина оқшом. Сўрида буви эртақ сўзлайди. Биз эса кўзларимиз юлдуз санаб, жон қулғимиз билан тинглаймиз. Бир гал эртақ тиниб, дугона ухлаб қолибди ҳамки, хаёлларим билан қоришиб кўзим юмилмайди. Бир маҳалда момонинг келинига зорланаётганидан ўзимга келдим.

— Жон болам, — дерди момо набирасининг сочларини силаганча, — маҳалла-кўй бизни оч-яланғоч қўймайди. Сизга ҳам ишонаман. Ойдай жувонсиз. Бирор оғзига кучи етмаган "фалон" деса, бошингизда эрингиз йўқ. Шунга қуяман, болам. Қизларингизнинг ҳам бўйи етиб қолди. Эшигимиздан биров сўраб келса "Отаси қамалган" дегани бир тамға бўлар деб қуяман. Тўй келса набира қизларим ризолик сўраб ким-

юрт, шу Ватан олдидаги шукроналик, қарздорликдек олий бурч туйғусини солди...

... Карманалик Суннатилло Зарипов ҳам ана шу амнистия шарофатидан баҳраманд бўлди.

— Инсонга хурлик, озодликдан катта бахт йўқ экан, — дейди у. — Ҳовлимизга қадам қўйишим билан ҳатто чаппар уриб очилиб ётган гуллар ҳам менсиз кифтларини қисиб юришга ўрга-

## КЎНГИЛЛАРГА БУРЧ ТУЙҒУСИН СОЛОЛГАН ҲУЖЖАТ

нинг оёғига бош урар экан, деб қуяман...

... Кўзи очиқ кетган момони сўнгги йўлга қишлоқликлар иззат-икром билан кузатди. Лекин, барибир, онаизорнинг кўзлари очиқ кетди-да! Бугун англаб, аминманки, бувидаги бу илҳақлик Турсунпўлат ака кўтариб юрган энг катта Армон юки бўлса керак!

... Ўзбекистон Республикаси Президентининг инсонпарварлик тамойилларига амал қилиб Амнистия тўғрисида чиқарган фармони юзлаб оналарнинг қаддини кўтариб, Турсунпўлат акаларнинг юрагини бир умр тимдалагучи армон юкидан халос этди. Кўнглига шу

ниб қолган. Қизларимдек мунғайиб қолгандай борлигим тўкилиб кетди. Одамзот бу тинч, осойишта Ватанда фақат ҳалол меҳнат, шукрона билан яшасин экан. Дийдор ганиматлигини мен қамоқда чуқур ҳис қилдим. Маҳалла-кўй мени илиқ кутиб олди. Ижтимоий мослашув маркази томонидан моддий ёрдам ажратишди. Иш билан таъминланишимга кўмаклашишди. Ҳозир яқка тартибда дурадгорчилик билан шуғулланиб, халқимизнинг яхши кунларига хизмат қилувчи бешиклар, эшик-деразалар ясагпман. Ҳунаримни бошқаларга ҳам ўргатаёпман. Ёшларга айтар гапим: она-Ватанимизнинг, фа-

### ЭНГ БИЛИМДОНЛАР УЧУН

Ромитон шаҳридаги 10-мактабнинг еттинчи синф ўқувчиси Голибжон Ҳожиёв янги ўқув йилидан бошлаб ҳар ойда вилоят касаба уюшмаси кенгаши томонидан таъсис этилган 3500 сўм миқдордаги "Ҳавас" стипендиясини оладиган бўлди.

Мазкур стипендия тўрт йил аввал доимо "яхши" ва "аъло" баҳоларга ўқийдиган, мактабнинг жамоат ишларида фаол қатнашадиган ўқувчилари учун таъсис этилганди. Ўтган ўқув йилида Ромитондаги 2- ва 20-ўрта мактабнинг энг билимдон, намунали хулқли ва фаол ўқувчилари шу стипендия билан мукофотланган эдилар.

### БОЛАЛАРГА ҲАМХЎРЛИК

Олтинқул тумани Шароф Рашидов номидаги ширкат хўжалиги туман халқ таълими бўлимига қарашли 29-мактабгача таълим муассасасига яқиндан ҳомийлик қилмоқда. Ширкат хўжалиги мактабгача таълим муассасаси-

сига 360 минг сўмлик қаттиқ инвентарлар олиб берди ва таъмирлаш ишларига 100 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатди.

Шухратбек  
КЕЛДИЕВ,  
Андижон шаҳри

Пешку туман Захкаш қишлоғи "Туркистон" ширкат хўжалиги аҳолиси ўз кучлари билан мактаб биносини қуриб битказдилар. Кўшни Дегдовон қишлоғи "Пахтаобод" ширкат хўжалигида 160 ўқувчига мўлжалланган мактаб биноси ҳам ҳашар йўли билан қурилди.

— Бу ўқитувчилар ва мураббийлар қунига яхши совға бўлди, — деди Дегдовон мактаби раҳбари Икром Фаниев. —

### ҲАШАР ЙЎЛИ БИЛАН ҚУРИЛДИ

Бундан буён бошланғич синф ўқувчилари бир неча километр йўл босиб кўшни қишлоқдаги мактабга қатнаб юрмайдилар. Мактабнинг бошланғич синф ўқитувчилари Малика Нурова, Лола Муродова, Нилуфар Маҳадова ва Махлиё Шариповалар маҳаллий қурувчилар меҳнатидан ниҳоятда миннатдор бўлдилар. Энди улар кенг ва ёруғ, мактаб дастурини муваффақиятли ўзлаштириш учун барча шароитлар яратилган синфларда сабоқ берадилар.

"Туркистон-пресс"

## ЭРТАЛАБКИ БАДАНТАРБИЯ — МАКТАБДА

Келажагимиз ворислари бўлмиш ёшларни ҳар томонлама баркамол, соғлом қилиб тарбиялаш учун бугунги кунда мамлакатимизда бир талай ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, болалар спортини ривожлантиришга қаратилган тадбирлар келажакда ўз самарасини бериши, шубҳасиз.

Куни кеча "Бунёдкор" ёшлар телеклубида "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар Кенгаши томонидан ишлаб чиқилган спорт плакатларининг тақдирот маросими бўлиб ўтди. Бу плакатлар 1-

### Tadbir

синфдан 11-синфгача бўлган мактаб ўқувчиларига мўлжалланган бўлиб, ҳар бир ёшдаги ўқувчилар учун алоҳида жисмоний тарбия ва спорт машқлари мажмуига эга. Ҳозиргача пойтахтнинг барча мактабларидаги синфларга мўлжалланган 12000 та плакатлар тайёрланди.

Жисмоний тарбия институти билан ҳамкорликда амалга оширилган мазкур лойиҳа бир ҳафта мобайнида Тошкент шаҳридаги синфларга тарқатилади. Ўқувчилар бу плакатлар ёрдамида ўқув формаларида, ҳеч қандай тайёргарликсиз, дарс бошланишидан 3-5 дақиқа олдин эрталабки бадантарбияни амалга оширадилар.

Тақдирот давомида ташриф буюрган меҳмонлар плакатлар мажмуи билан танишиб чиқдилар ва ўз мулоҳазаларини билдирдилар.

Назокат ХОЛМЕТОВА



# МЕХРИБОНЛИК УЙЛАРИ

## УЛАРГА ДОИМИЙ ЭЪТИБОР ЗАРУР

Бугунги кунда Халқ таълими вазирлиги тизимида мамлакатимиз бўйича жами 28 та меҳрибонлик уйлари мавжуд бўлиб, уларда 3650 нафардан зиёд етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар таълим-тарбия олмақда. Айтиш мумкинки, бу кўрсаткич айрим давлатлар билан таққосланганда унчалик ҳам кўп эмас. Зеро, Марказий ва Шарқий Европа ҳамда МДХ мамлакатларида аҳолининг ижтимоий-иқтисодий фаровонлигини тадқиқ этиб, "2003 йил ижтимоий мониторинг" натижаларини яқинда матбуотий эълон қилган БМТ Болалар жамғармаси – ЮНИСЕФнинг хулосаларига кўра, Ўзбекистонда меҳрибонлик уйларида тарбияланаётганлар ҳар 100 минг кишига нисбатан 34,8 болани ташкил этиб, бу кўрсаткич Россия, Украина ҳамда Қўшни Қозоғистонда 10 баробар кўпдир. Шундай бўлса-да, бу кишига таскин бера олмайди. Чунки ота-она меҳрига тўйиш шарафига муяссар бўла олмаган фарзанднинг сони биттагина бўлиши ҳам кишини ташвишга солади.

Куни кеча мана шундай ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларини бешикаст камол топишини ўйлаб Халқ таълими вазирлиги томонидан Тошкент шаҳридаги 23-меҳрибонлик уйда "Меҳрибонлик уйида тарбияланувчиларга оила муҳитига яқин шароит яратиш муаммолари" мавзусида амалий семинар ўтказилди. Унда вазирлик ва вилоят халқ таълими бошқармаларининг масъул ходимлари, барча меҳрибонлик уйлари раҳбарлари иштирок этди.

Йиғилишда таъкидланишича, мамлакатимизда оила муҳити, ота-она қаровидан маҳрум бўлган болаларнинг ҳуқуқларини қонунчилик асосида таъминлашнинг самарали тизими вужудга келтирилган бўлиб, ота-онаси йўқлигида ҳамда ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган ҳар қандай ҳолларда боланинг оила тарбияланиш ҳуқуқи васийлик ва ҳомийлик органлари томонидан таъминланади. Етим болалар, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар ва ўсмирлар "Меҳрибонлик уйлари"да ва умумтаълим мактаб, интернатларида тарбияланадилар ва тўлиқ давлат таъминотида бўладилар. Халқ таълими тизимида мана шундай мактаб-интернатлар 20 та бўлиб, унда 5900 нафарга яқин бола таълим-тарбия олмақда.

Етим болаларни кўнгилни кўтариш, уларга меҳр улаштиришнинг энг самарали йўли, албатта, бу боланинг қариндош-уруғлари ўз бағрига олиб, боқиб тарбиялашдир. Шундай оилаларда болалар камол топиши тўғрисидаги ғамхўрликни ку-

чайтириш мақсадида, Халқ таълими вазирлиги ЮНИСЕФ халқаро болалар жамғармаси билан ҳамкорликда жойлардаги васийлик ва ҳомийлик органлари билан муаян ишларни амалга ошироқда, жумладан "Меҳрибонлик уйлари"да тарбияланувчиларни яқин қариндошлари оилаларига имкон қадар қайтарилмоқда. Ҳозирга қадар 20 нафар тарбияланувчи "Меҳрибонлик уйлари"дан оилаларга қайтарилди.

### Seminar

Ўзбекистон Республикаси ўз мустақиллигига эришгандан сўнг дастлабки одимлардан бири Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлисида "Бола ҳуқуқлари тўғрисида"ги Конвенциянинг ратификация қилиниши бўлди. Семинарда бу йўналиш ҳамда "Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси" бўйича барча таълим муассасаларида тадбирлар ва семинарлар ўтказилиб, Конвенцияда белгиланган моддалар ҳақида болаларга тушунчалар берилаётгани, халқ таълими тасарруфидаги Республика таълим маркази ҳамда Халқаро болалар жамғармаси ЮНИСЕФ томонидан ўқитувчи ва тарбияланувчиларга бу мавзуда рисоалар чоп этилиб, ўқитувчилар учун семинарлар ташкил этилаётгани айтиб ўтилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 25 январдаги 33-сонли "Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини аниқ йўналтирилган тарзда қўллаб-қувватлашнинг 2002-2003 йилларга

мўлжалланган дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорини бажариш мақсадида Халқ таълими вазирлиги бошқа вазирликлар билан ҳамкорликда қабул қилган "Тўлиқ давлат таъминотидаги етим болаларни ва ота-она қаровисиз қолган болаларни пул нафақалари ҳамда кийим-бош, пойафзал ва анжомлар сотиб олиш учун нафақалар, шунингдек, транспортда юриш карточкалари билан таъминлаш тартиби тўғрисидаги Низом" асосида олиб борилаётган ишлар муҳокама этилди ва муаммолар ўртага ташланди.

Бошқа ташкилотлар билан ҳамкорлик масаласида меҳрибонлик уйлари директорлари сўзга чиқар экан, "Қизил ярим ой" жамияти, "Соғлом авлод учун" Халқаро жамғармаси ва "Ўзбекистон Болалар жамғармаси", "Маҳалла" жамғармаси, жойлардаги ҳокимликлар, Меҳнат ва аҳоли ижтимоий муҳофаза қилиш ва Соғлиқни сақлаш вазирликлари, "Меҳржон", "Сен ёлғиз эмассан" нодавлат ташкилотларининг қилаётган ёрдамларига ўз миннатдорчиликларини билдиришди. Чунончи, Тошкент шаҳридаги меҳрибонлик уйларида "Сен ёлғиз эмассан" нодавлат ташкилоти билан ҳамкорликда йўлга қўйилган "Ишонч телефонлари" меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларига ҳуқуқий ва психологик ёрдам кўрсатаётганлигини таъкидлашди.

Ҳар йили барча меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари Президент арчаларида иштирок этиб, уларга Президент совғалари берилаётганлиги, жорий йилда Жанубий Кореянинг "Onnuri" ассоциацияси ва АҚШнинг "Samaritans Purse" ташкилотлари томонидан юборилган муруват ёрдами кийим-кечаклар "Меҳрибонлик уйлари"нинг тарбияланувчиларига етказилганлиги алоҳида мамнуният билан тилга олинди.

Семинарда меҳрибонлик уйлари иш фаолиятини янада такомиллаштириш борасида ўзаро фикр алмашиш, ўз тажрибалари билан ўртоқлашиш йиғилганларга катта самар берди. Семинар якунида "Меҳрибонлик уйлари"ни мувофиқлаштирувчи кенгаш тузишга келишиб олинди.

**Жаҳонгир МУСАЕВ,**  
"Ma'rifat"нинг махсус мухбири

Авалло, "Kadrlar tayyorlash milliy dasturi"ni o'rganish va DTS talablarini amaliyotga joriy qilish shunchaki oson kechadigan jarayon emas. Milliy dastur birinchidan, o'ziga xos yangicha yondashuvni, yangicha metodikani va yangicha kasb mahoratini talab qiladi. Shu o'rinda Yurtboshimizning mana bu fikrini uqtirib o'tishga to'g'ri keladi: ya'ni "O'qituvchi bolalarimizga zamonaviy bilim berishi kerak deb talab qilamiz. Ammo zamonaviy bilim berish uchun avvalo, o'qituvchining o'zi ana shunday bilimga ega bo'lishi kerak".

Yangicha pedagogik texnologiyaning asosiy maqsadi va vazifasi yangi metodik mahoratni o'rganish, umumlashtirish va ommalashtirishga qaratiladi. Yangi pedagogik texnologiyani dars jarayoniga olib kirishda esa o'quvchilarni baholashning yangi reyting tizimi muhim ahamiyatga ega. Zero, reyting-ta'lim jarayonida o'quvchilarning bilim, ko'nikma va malakalarini mustahkamlab borishi, davlat ta'lim standartlari talablarini bajarishlari uchun zamin bo'ladi. Natijada esa ta'lim samaradorligining oshirilishiga erishiladi.

Shuni ta'kidlash lozimki, yangi reyting tizimiga o'tish o'quvchi, ota-ona va o'qituvchi zimmasiga juda katta mas'uliyat yuklaydi. 5 balli baholash tizimidan foydalanilgan davrda o'quvchilarda

darajasi reytingning asosi va negizi bo'lib standartli reyting ballari (SRB) hisoblanadi. SRB har bir o'quv fani bo'yicha alohida olingan majburiy standart tekshiruv ishlari — MSTIga mos ravishda aniq belgilab qo'yiladi. O'tkazilgan MSTIning natijalariga ko'ra o'quvchiga DTS talablari asosida haqiqatda o'zlashtirilgan BKM elementlariga mos ravishda aniq belgilab qo'yiladi. Tekshiruv ishining haqiqiy balli — TSRB qo'yiladi. Bu reyting tizimi o'quvchilarning bilimlarida mavjud bo'lgan bo'shliq va kamchiliklarini aniqlash, ularni bartaraf etish va paydo bo'lishining oldini oluvchi yagona ishchi mexanizmidir. Bunda o'quvchilar bilimidagi bartaraf etilgan bo'shliq va kamchiliklarni to'ldiruvchi ballar bilan baholanadi.

1) To'ldiruvchi ball eng katta bo'lgan o'quvchilar bilan darsdan keyin maxsus so'rovlar o'tkaziladi.

2) To'ldiruvchi balli 2-3 ball kam bo'lgan o'quvchilar darslar davomida maxsus so'rovlarga jalb qilinadi.

3) To'ldiruvchi ballini 1-2 ball kam olgan o'quvchilarga uyida mustaqil ish uchun to'ldiruvchi topshiriq beriladi.

Erkin so'rovni amalga oshirishda o'qituvchi dars davomida o'quvchilar diqqatini darsga jalb qilish uchun ularning faolligini oshirib turishi zarur. O'qitish emas, o'qishga o'rgatish, bilim berish emas, bilimni olishga o'rgatish, tayyor bilimlarini

# REYTING TIZIMI AFZALLIKLARI

Jarayon

to'planib qolgan, o'zlashtirilmagan bilimlarni bartaraf etishda o'qituvchidan juda ko'p mehnat talab qilinardi. Ayrim o'quvchilarning bilim, ko'nikma va malakalarida to'plangan bo'shliq va kamchiliklarida yengib bo'lmas to'siq bo'lib bu o'quvchilarning reyting natijalarining pasayib ketishiga olib keladi.

Davr o'zgarayapti, yoshlar o'sayapti. Bugungi kunda sinfdagi barcha o'quvchilarni yuruq gap bilan, mavzuni quruq daftarga yozdirish bilan o'qitib biror maqsadga erishib bo'lmasligini hayotning o'zi ko'rsatayapti. Shiddat bilan rivojlanib borayotgan hozirgi davrda, bugungi kun o'quvchilarning avvalo, so'zi boy, mustaqil va ijodiy fikr yuritadigan, o'z o'qiganini hayotga tadbir etadigan ma'naviyati yuksak komil inson bo'lib etishishlarini taqozo etmoqda. Shunday ekan, boshlang'ich sinf o'quvchilariga ta'lim-tarbiya berish har bir o'qituvchidan puxta ta'lim berish, ijodiy mahorat, o'quv, malaka hamda sabr-toqatni talab etadi.

Reyting tushunchasi o'quvchilar bilim darajasini, ko'nikma va malakalarini shakllantirishni nazorat qiladi va ko'p balli baholash hamda o'qishda erishilgan yutuqlar asosida ularni shakllantirib borish yo'llarini aniqlab beradi. O'qituvchi uchun yangi reyting tizimining qulaylik tomoni shuki, sinfda bo'sh o'zlashtiruvchi o'quvchilar qanday paydo bo'ladi va ularga qanday yordam kerak degan savolga hech qiynalмай javob topa oladi. Albatta, o'quvchi yoshligi bois o'qituvchining darsini yaxshi tushunmasligi yoki tushunishni istamasligi mumkin. O'quvchini o'zi dars beradigan fanga qiziqira olmaslik — o'qituvchining tajribasizligi yoki o'z fanini yetarlicha bilmasligini oshkor qiladi. O'z ustida ishlaydigan o'qituvchining ijodkorligi, yangi pedagogik kasb mahorati asosida darsda o'quvchiga fanning tushunarsiz bo'lgan elementlarini tushuntirishda turli xil dars usullaridan foydalanishda ko'p balli reyting tizimi qo'l keladi. O'quvchilar ta'lim tayyorgarligi

aytib berish emas, mustaqil bilim olishga, olgan bilimlarini mustaqil bayon etishga o'rgatish zarur.

Hozirda reyting modelining erkin ballar va ijodiy ballar tizimi qo'llanilmoqda. Bu o'z natijalarini bermoqda. Ular o'quvchilarning kundalik reyting daftariga tushirib borilishi o'quvchining qiziqishini yanada oshiradi. Olgan ballarini uyga borganda ota-onasiga ko'rsatib, xursand bo'lganidan ertaga beriladigan topshiriqlarini bajarib yana ko'proq ball olishga, oldingi o'ringa chiqishga harakat qiladi. O'quvchilar orasida faollikni oshirishda choraklik, haftalik, kundalik reyting oynalari muhim rol o'ynaydi. Kundalik reyting oynasida o'quvchi har bir soat darsda qancha ball to'plaganini hamda nechanchi o'rinda ekanligini bilib boradi va shunga qarab harakat qiladi. O'quvchilar bilimi erkin ballar (1, 2, 3) bilan baholanadi. Eng yuqori ball 3 ball. Kundalik reyting oynasi doskaga ilinadi. Oynada 30 ta raqam joylashtirilgan. Har bir o'quvchi jurnal bo'yicha o'z tartib raqamiga ega. Reyting oynasida bu raqamlar ko'rsatib qo'yiladi. Qaysi tartib raqamidagi o'quvchi javob bersa, javobi uchun ballar xazinasidan bir ball olib reyting oynasidagi tartib raqamiga qo'yiladi. Dars so'ngida ballar hisoblanib, eng ko'p ball to'plagan o'quvchi qiziga — "Sinf malikasi" o'g'il bolaga esa "Sinf shahzodasi" degan toj kiydiriladi.

Xulosa qilib aytganda, o'quvchilar bilimini reyting tizimi orqali baholash bilan o'quv faolligi yuqori va o'rta bo'lgan o'quvchilar belgilangan choraklik standartlari reyting bali yuqori bo'lgan haqiqiy ballarni to'plash, faolligi past bo'lgan o'quvchilar esa standartli reyting ballari darajasiga ko'tarilib, ularga yetishish imkoniyatlariga ega bo'lmoqdalar. Xullas ko'p balli reyting tizimi o'quvchi bilim darajasining o'sib borishida yordam beradi.

**Zebo QUTLIYEVA,**  
Buxoro viloyati, Vobkent tumanidagi  
10-umumiy o'rta ta'lim maktabining  
boshlang'ich sinf o'qituvchisi

Шўрчи туманидаги “Лола” номли боғча-мактаб мажмуаси хусусида анча бурунроқ илиқ гап-сўзларни эшитганман. Мана, Сурхон юртида ўзига хос обрў-этибор қозонган ўша “Лола” номли боғча-мактаб мажмуаси. Мезбонларга мажмуада ташкил этилган синфлар ҳаёти билан кўпроқ қизиқаётганлигимизни айтдик.

1-синф хонаси. Мавжуд 25 нафар кичкинтойга ўқитувчи Жамила Абдиева илму одоб ўргатади. Шуни ҳам айтиб ўтиш жоизки, Жамилахоннинг педагогик иш тажрибаси туман миқёсида кенг оммалаштирилган экан.

Хонада амалга оширилган

самарадорлик бор. Болаларнинг фаоллигини айтмайсизми? Улар гўё катта одамлардек кенг мушоҳадади.

Хонага туташ йўлдош хоначада табиат муҳофазаси мавзусига оид бирталай ибратли ишлар амалга оширилган. Тоғутошлар, зилол сувли тоғ дарёлари яратилган. Дарёда ғоз ва ўрдаклар сузаяпти, соҳилда оху галаси...

Дам олиш, ухлаш хоналарида ҳам керакли барча шарт-шароитлар яратилган.

Ўқитувчи Шарофат Эшмўминова раҳбарлигидаги 3-синф хонаси ҳам талаб даражасида

Мажмуадаги 2- ва 4-синфларнинг ҳаёти хусусида ҳам фақат ижобий сўзлар айтиш мумкин. “Лола”даги мавжуд боғча гуруҳларида ҳам таълим-тарбия ишлари кўнгилдагидек олиб борилаётганлигининг гувоҳи бўлдик.

Хулоса қилиб айтганда, Шўрчининг “Лола” сидан кўнглимиз тўлди. Шу ўринда юрагимиз тўридаги бир оғриқли гапни

### Мақтабгача та'лим муассасаларида

ҳам айтмасак бўлмас. Ҳўш, нега ҳамма жойда ҳам ишлар Шўрчининг “Лола”сидагидек эмас?

Гап шу ердаки, Шўрчи туманининг “Лола” номли боғча-мактаб

## УМИДБАХШ МАСКАН

Уйчи туманидаги “Булбулча” боғчаси болаларнинг таянч ҳаракат аъзоларидаги нуқсонлари ва шикастланишларини даволаш ҳамда

боғчанинг очилганини эшитиб хурсанд бўлдим. Қизимни олти ойдаёқ ҳамшира Раънохон Тожаҳмедова, шифокор Ёкутхон Аскарובה

тарбиячилари Умида Хўжаева, Матлуба

Қирғизбоева, Нодира Исмановадек меҳрибонлари оқсаш касалидан халос этдилар.

Ўзини Уйчи ижтимоий-иқтисодий коллеж ўқитувчиси деб таништираган **Комилахон Низомованинг** икки ўғли ҳам шу даргоҳда даво топганидан мамнунлигини яшира олмади:

— Катта ўғлим Акмалжон бир ярим йил шу ерда даволанди. Ҳозир тенгқурларидай соппасоғ. Энди иккинчим Аҳроржонни ҳам шуларга ишониб топширдим.

Мудира Саломатхон Турғунованинг гапига қараганда Аҳроржоннинг ҳар иккала оёқларида ҳам ҳаракат йўқ экан.

Уни узлуксиз дори-дармон бериб, уқалашлари натижасида жуда қисқа муддатда секин-аста юрадиган бўлиб қолганидан барчанинг кўнгли шод.

Бундай ижобий ўзгаришлар шу ўтган даврда таллайгина. 30 га яқин болажонлар соғлик-

ларини батамом тиклаб, оилаларига, оммавий мактабларга қайтишибди.

Ҳозир бу ерда 47 нафар жажжи кичкинтойлар 7 та гуруҳда узлуксиз даволаниш жараёнини ўтаяптилар. Бу масканда уқаловчи ва энгаларнинг ўрни алоҳида. Шу ўринда уқалаш сир-асрорини яхши эгаллаган Шохида Турсунова, Мўътабархон Дадахонова ҳамкасбларига ибрат бўлаётганлигини таъкидламоқчиман.

— Бизни шу нарса қувонтираптики, — дейди жамоа раҳбари С.Турғунова, — туманимиз ҳокими Муҳиддин

Валиев деярли ҳар ҳафта ташриф буюриб, болаларимиз кўнглини қанда қилимайди. Маҳалламиздаги Тўлқинбой ҳожи Каримов, Муҳаммадали

ҳожи Алихонов, Фарихон ҳожи она Дадахонвалар мева-чева, ширинликлар тортиқ қилиб туришларидан беҳад

миннатдоримиз. Яқинда “Ватанпарвар” ташкилотининг туман бўлими

ходими Ботирхон Отахонов ҳам 50 донадан чинни коса, қошиқ, пиёла ҳадя этди. Албатта,

бундай саховатпешалик халқимизга хос фазилат эканлиги бизга таскин беради.

Аскарвали МАМАТОВ, жамоатчи мухбир

## ЖАМОА АҲИЛ БЎЛСА...

ишлар мақтовга лойиқ. Бу ишларга фақат илиқ сўзлар муносиб. Фақат ўз касбини севган ва ардоқлаган, фидойи муаллимгина ўз хонасини мана шундай жиҳозлайди. Хонада ҳеч бир нарса ортиқча ҳам эмас ва яна бизнинг назаримизда кам нарса ҳам йўқдай. Хонадаги гулларни ва уларнинг ранг-баранглигини айтмайсизми? Хонада ўқув дастурига оид хилма-хил кўргазмалар ва яна табиат, гўзаллик бурчаклари ташкил этилган. Хонанинг яна бир бурчагида Самарқанд шаҳридаги гўзал Регистон мажмуаси макети яратилган. Қараб дилингиз яйрайди. Ўта нафислик ва топқирлик билан яратилган ишлар...

Ўқув хонасидаги жиҳозлар чиройли ва ораста. Стол ва стулларда ҳам, доскаю бошқа жиҳозларда ҳам ҳатто битта чизик чизилмаган. Кўриниб турибдики, болалар одобли, тарбияда

жиҳозланган. Бу синфда инглиз тили ва жисмоний тарбия фанлари чуқурлаштирилган дастурлар асосида ўқитилар экан. Ўқиш хонасида ҳам, дам олиш хоналарида ҳам чиройли гиламлар тўшалган. Столлар, стуллар, жавонлар етарли.

“Обод маҳалла” йили муносабати билан синф ўқувчилари устозлари раҳбарлигида ўзлари учун қадрдон бўлган “Бўстон” маҳалласининг кичик макетини ясашибди. Мана сизга болаларни ижодкорлик ва топқирликка йўналтириш. Мана сизга ватанпарварлик тарбияси...

Синфда таълим-тарбия олаётган 22 нафар ўқувчининг барчаси фақат “4” ва “5” баҳоларда ўқишяпти. Бу устозларнинг сермашаққат ва шарафли меҳнатларининг самараси эмасми?

таб мажмуасида ишлаётганлар ўз касбларини жонларидан ортиқ севишади. Улар тарбиячи, муаллим деган номни ардоқлашади. Қўлга киритаётган ютуқларнинг асосий омили ҳам худди мана шулар эмасми?

Абдували ОБИДДИН, “Ma'rifat” мухбири



Боладаги санъатга бўлган қизиқиш санъат турларини тушунишга ва бу туфайли теварак-атрофдаги гўзалликларни кўра билишга ўргатади. Бу ишни турли мазмундаги расмлар чизиш, шунингдек, тасвирий санъат асарларини ва чизилган ижод намуналарини ўрганиш жараёнида амалга ошириш алоҳида аҳамият касб этади. Машғулотлар учун мақсадга мувофиқ мавзу танлаш, болаларнинг эстетик ҳис-туйғулари, диди ва баддий ижод қобилиятларининг шаклланишига, ривожланишига таъсир кўрсатади. Расм дарси ўқувчиларнинг хотира, тасаввурлари асосида олиб борилиб, уларга расм чизишда мавзу танлаш ва унинг мазмунини расмларда акс эттириш, расмда баддий образлар, персонажлар яратиш, тасвирдаги нарсаларни бир-бирига мазмунан боғланган ҳолда акс эттиришга ўргатишни ўз олдига вазифа қилиб қўяди. Бу ўқувчиларнинг тасвирлаш қобилиятларини, ранг билан ишлаш малакаларини, шунингдек, тафаккур ва эстетик дидларини шакллантиради. Ўқитувчи дарсни турли методларда, яъни янги педагогик технологиялар асосида ўтиши яхши самара беради. Мен коллежда “Тасвирий санъат ва уни ўқитиш методикаси”дан дарс бераман. Дарсларимда “Фикрлар ҳужуми”, “Тармоқлар методи” (“Кластер”), “Бумеранг

технологияси” каби методлардан ҳам фойдаланиб дарс ўтаман. “Фикрлар ҳужуми” методи бевоқиф жамоа бўлиб олиб борилади. Бундан мақсад, мумкин қадар катта миқдордаги гоёларни йиғиш, ўқувчиларни айна бир хил фикрлаш инерциясидан холи қилиб, ижодий вазифаларни ечиш жараёнидаги дастлабки пайдо бўлган фикрлари-

гача бўлган) янги гоёлар ишлаб чиқиш самарадорлигини сезиларли даражада оширишни таъминлайди. Иштирокчилар кичик-кичик 5-6 кишидан иборат гуруҳларга бўлинади ва ҳар бир кичик гуруҳ ҳал қилинадиган ижодий вазифа ва муаммо бўйича 15 дақиқа давомида мустақил равишда “фикрлар ҳужуми”ни ўтказишади. Шундан сўнг ҳар бир ки-

3-босқич. Тўғридан-тўғри “Фикрлар ҳужуми” қоидасига асосан ҳар бир гуруҳда гоёлар ишлаб чиқиш.

4-босқич. Гоёларни тартибга солиш ва таснифлаш.

5-босқич. Гоёларни деструктивлаш, яъни амалга ошиш имкониятига қараб баҳолаш.

6-босқич. Аввалги босқичларда билдирилган танқидий мулоҳазалар-

## ТАСВИРИЙ САҲЪАТДА НОАНЪАНАВИЙ ДАРСЛАР

ни билишдир. Бу методнинг асосий тамойили ва қоидаси баҳс иштирокчилари ишлаб чиққан гоёлар танқидини мутлақ таъқиқлаш, ҳар қандай лўқма ва ҳазил-мутойибани рағбатлантиришдан иборат. Бу методдан фойдаланиш муваффақияти кўп жиҳатдан ўқитувчи, яъни машғулот раҳбарига боғлиқ. “Фикрлар ҳужуми” иштирокчилари миқдори 15 кишидан ошмаслиги керак. Машғулотларнинг давомийлиги 1 соатга мўлжалланган. Бу метод катта гуруҳларда (10 нафардан 20 нафар-

га баҳо бериш. “Тармоқлар методи” (“Кластер”). Фикрларнинг тармоқланиши — бу педагогик стратегия. У ўқувчиларнинг бирон-бир мавзунини чуқур ўрганишларида ёрдам бериб, мавзуга тааллуқли тушунча ёки аниқ фикр эркин, очик, кетма-кет равишда ўзлаштиришларига ёрдам беради.

Бу метод бирон мавзунини чуқур ўрганишдан аввал ўқувчиларнинг фикрлаш фаолиятини жаддаллаштириш ҳамда кенгайтириш учун хизмат қилиши мумкин. Шунингдек, ўтилган мавзунини мустаҳкамлаш,

чак гуруҳ вакили ўз гуруҳларида ишлаб чиқилган гоё ҳақида ахборот ва ўқитувчи раҳбарлигида жамоа бўлиб унга баҳо берадилар. Улардан энг яхшилари, бетакрорлари танлаб олинадилар. Машғулот босқичма-босқич куйидаги тарзда ўтказилади:

1-босқич. Миқдори ва психологик мулоқоти жиҳатидан мақбул кичик гуруҳларни шакллантириш.

2-босқич. Вазифа, муаммодан келиб чиқадиган мақсадларни ифодалаш.

га баҳо бериш.

“Тармоқлар методи” (“Кластер”). Фикрларнинг тармоқланиши — бу педагогик стратегия. У ўқувчиларнинг бирон-бир мавзунини чуқур ўрганишларида ёрдам бериб, мавзуга тааллуқли тушунча ёки аниқ фикр эркин, очик, кетма-кет равишда ўзлаштиришларига ёрдам беради.

Бу метод бирон мавзунини чуқур ўрганишдан аввал ўқувчиларнинг фикрлаш фаолиятини жаддаллаштириш ҳамда кенгайтириш учун хизмат қилиши мумкин. Шунингдек, ўтилган мавзунини мустаҳкамлаш,

### Sinab ko'ring

яхши ўзлаштириш, умумлаштириш ҳамда ўқувчиларни шу мавзу бўйича тасаввурларини чизма шаклида ифодалашга ундайди.

“Бумеранг технологияси”. Мазкур технология бир машғулот давомида ўқув материални чуқур ва яхлит ҳолда ўрганиш, ижодий тушуниб етиш, эркин эгаллашга йўналтирилган. У турли мазмун ва характерга эга бўлган мавзуларни ўрганишда асқотади. Айна пайтда ўз ичида оғзаки ва ёзма иш шакллари қамраб олади. Машғулот давомида ҳар бир иштирокчи турли топшириқларни бажариши, навбат билан ўқувчи ёки ўқитувчи ролда чиқиши мумкин.

“Бумеранг технологияси” танқидий фикрлаш, мантқиқни шакллантиришга имконият яратади, хотирани, гоёларни, фикрларни, далилларни ёзма ва оғзаки шаклларда баён қилиш кўникмаларини ривожлантиради. Таълим билан бир қаторда мазкур метод жамоа билан ишлаш маҳоратини шакллантиришга, муомалали бўлишга, кўникма ва малакани ривожлантиришга ёрдам беради.

Гулчехра ҚУРБОНОВА, Тошкент педагогика касб-хунари коллежи тасвирий санъат фани ўқитувчиси

Бугунги меҳмонимизни ҳамма муштарийларимиз кунда бўлмаса ҳам кунора ойнаи жаҳон орқали кўриб турадилар. “Қоши қаро йигит” дея кекса отахону онахонларимиз дуо қилиб, уни алқаб турадилар.

Суҳбатдошимизни нималар қийнайди, нималар хурсанд қилади, оиласи, келгусидаги режалари қандай? Шу ва шу каби саволларга жавоб берган меҳмонимиз Ўзбекистон халқ артисти, “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими”, “Ўзтелерадиокомпания”сининг диктори Мирзохид Раҳимов.

Телевидениенинг бугунги кундаги ўрни ва аҳамиятини тасвирлаб ўтириш ортиқча. Чунки у ҳаётимизга ниҳоятда сингиб кетган. Томошабин доимо экрандаги ҳар қандай ҳаракатни илғаб олади, сўз ва ифодалар талаффузига эътибор беради. Демак, теленутқининг ва суҳандон нутқининг оммага таъсири масаласи муҳим ижтимоий ва касбий муаммодир.

— Адашмасам, дикторликка ҳеч қаерда ўқитишмайди.

— Афсуски шундай. Мен эсимни танибманки, ҳали бирон-бир мамлакатда, бирон-бир шаҳарда радио-телевидение учун дикторлар (суҳандонлар) тайёрлайдиган билим юртимни, олийгоҳми борлигини эшитганим, бирон-бир матбуотда ўқганим йўқ.

Тил ҳақида, нутқ ҳақида олимларимиз яратган қўлланмалар, ёзилган минглаб китоблар бор. Лекин дикторлар учун алоҳида дарслик ёки қўлланма йўқ.

Пойтахтимиздаги Маннон Уйғур номидagi санъат институти ва Абдулла Қодирий номидagi маданият институтида театр ва кино актёрлари учун саҳна нутқидан дарс ўтилади. Бу дарсда тилга, нутққа, фикрлашга, воқеа ичида яшашга кўпроқ эътибор берилди ва шулар талаб қилинади. Қисман бу талаблар суҳандонларга ҳам тегишли.

Ўзингиз яхши биласиз, ҳукуматимизнинг катта-катта тadbирлари, таниқли санъаткорларнинг концертлари, шоиру ёзувчиларнинг, фан арбобларнинг юбилейлари, ижодий кечаларни, асосан суҳандонлар олиб боришади. Чунки халқ барча тadbирларни суҳандонларсиз тасаввур қилолмайди. Нима учун? Шунинг учунки, халқ дикторларни яхши қабул қилади. Чунки улар саҳнада ўзини тутати билиши, маданиятчилиги, нутқининг равонлиги, овозининг шираллиги, кийинишда бошқаларга ўрнак бўлишligи билан ажралиб турадилар. Кўпчилик улардан андоза ҳам олади.

Мана, ўзингиз ҳар кун кўриб, кузатиб борасиз. Эфирга кимлар чиқмаяпти, матнларни кимлар ўқимаяпти, қандай ўқияпти? Бунга ҳеч ким эътибор бермайди. Ахир бу она тилимизга бўлган, бадий тилимизга бўлган ҳурматсизлик-ку? Афсус-надоматлар бўлсинки, тилга эътиборсизлик бизнинг радио-телевидениемизда ҳам кучайиб бормоқда. Ҳар ким ўз шеvasида кўрсатув олиб бормоқда, матн ўқимокда. Ахир бизнинг ягона она тилимиз, адабий тилимиз бор-ку! Улар, яъни баъзи журналистлар ўзларини кўз-кўз қилиш учун, экранга чиқиб, танилиб ўз манфаатини ўйлайдиган кишилардир. Ижодкорлик қобилиятини ривожлантиришни, ўз нутқи ва тили устида ишлашни баъзи телевидение ходимлари унутиб қўйишмоқда. Менинг бу фикрларим ҳурматли журналистларимизга тегиб кетмасин. Ҳамма журналистларга юқорида билдирилган фикрлар тегишли

деб ҳисобламайман. Ўз ишининг устаси, ўз касбининг фидойиси бўлган тележурналистларни биз дикторлар ҳам ҳурмат қиламиз ва уларга тан берамиз.

Майли, қўлидан келса ҳар бир ижодкор кўрсатув олиб борсин, бунга ҳеч ким қаршилик қилмайди. Лекин ўзига мос, ўзига хос, ўзининг алоҳида йўналиши бўлган кўрсатувлар тайёрласин. Бир ҳафтада битта ёки ойда бир маротаба бўладими, бу кўрсатувларни томошабин сабрсизлик билан кутсин. Сўнгги пайтларда ана шундай сабрсизлик билан кутиладиган кўрсатувлар пайдо бўляпти. Лекин кам. Бундай кўрсатувларни кўпайтириш керак. Қисқаси, шахсан ме-

## Mehtonxona



беёти фанидан сабоқ берган, шеър ва газалларни тўғри талаффуз қилиб, ўқишни ўргатган ўта камтарин инсон Турсунхўжа акадир. Афсуски, ҳар икки муаллимнинг ҳам фамилияси хотирамдан кўтарилибди. Аммо ҳар икки устозимнинг ҳам менга берган ўнгилари, насиҳатлари хотирамда бир умрга муҳрланиб қолган. Улардан инсон учун энг керак бўладиган ширинсўзлик, камтаринлик, меҳрибонлилик хислатларини ўрганганман.

Устозлар ҳақида гап кетар экан, радио-телевидение соҳасида мен-

бошқа жиҳатлар ҳам зарур бўлса керак?

— Биласизми, бу саволни бераётган битта сиз эмассиз. Мен ўз касбимни қаттиқ ҳурмат қиламан ва эъзозлайман. Унга катта масъулият билан қарайман. Бу касб эгаси шундай масъулиятни ўз бўйига оладики, биринчидан, матнни тайёрлашда елиб-югуриб жонбозлик қилаётган ижодий ходимларнинг меҳнати унинг ўқиши орқали кўрилади. Иккинчидан, ўқилаётган матн мазмунини минглаб томошабинлар: оддий меҳнаткаш, деҳқон, зиёли, интеллектуал салоҳияти юксак бўлган юртдошларимиз қалбига, онгига сингдириш вазифаси ҳам дикторлар гарданида. Шунинг учун ҳар бир кишининг тақдири билан боғлиқ бўлган расмий материаллар матнни ўқиш жуда катта масъулиятни, зийракликни, сергакликни талаб этади.

Мен қўлимга олган ҳар бир матнни аввал қайта-қайта ўқиб, бу матн нима ҳақида эканлигини билганимдан кейингина эфирга чиқаман. Шундай ҳолатлар бўладики, эндигина эфирга чиқиш олдида фармон ва қарор келиб қолади. Ана шундай пайтларда тажрибали суҳандонгина хотиржамлик билан кўрсатувни бошлаш олади. Менинг

лиги муаммосини мен аниқ ва тўғри режа орқали ҳал этаман.

— **Машхурлик сизнингча, нима? Таниқли бўлишнинг ёмон ва яхши томонлари ҳақида гапириб беринг.**

— Яхши томони, эл назарига тушасиз. Одамлар сизни ўз яқинларидек қабул қилишади. Баъзан кўча-кўйда юрганимда “ана-ана, “Ахборот”да чиқадиган диктор” дейишади. Мен бундан хурсанд бўламан. Сиз ҳақингизда илиқ сўзлар айтиши, иззат-ҳурмат кўрсатиши, айрим муаммоларнинг осон ҳал бўлиши машхурликнинг яхши томони.

Ҳал этилиши энгил бўлган муаммони, умуман ҳал бўлмасликка олиб келиши, ёмон томони (қулади). Чунки бошқалар беш-ўн сўм бериб битирадиган ишлар “ана “Ахборот”дан келди” деган шовшувли хабар туйғайли менга қолганда битмайди. Умуман, машхурликнинг ёмон томони ҳам яхши.

— **Оилангиз, фарзандларингиз тўғрисида ҳам муштарийларимиз билишни иштадади.**

— Тўрт нафар фарзандим бор. Фарзандларимнинг онаси тadbиркор. Болаларимнинг ҳаммаси олиғ маълумотли. Икки қизим турмуш қурган. Олти нафар ширинданшакар невараларим бор. Яқинда катта ўғлимни уйлантириб, оиламга учинчи қизимни ҳам қўшдим.

— **Сизни жуда жиддий одам дея баҳолайдилар. Аслида ҳам шундаймисиз?**

— Йўқ. Уйда, кўча-кўйда дўстларим ва фарзандларим даврасида мендан хушчақчақ, ҳазилкаш одам бўлмаса керак. Хизмат пайтида эса ҳақиқатан ҳам жиддийман. Чунки, ҳар бир касбнинг ўз қонун-қоидалари, меъёрлари бўлади. Экранга чиқиб олиб, бўлар-бўлмасга кулавериш, табасум қилавериш томошабинда дикторга нисбатан салбий фикр ўйотади. “Миллионлаб кишилар ҳузурга кириб боради, сал жиддийроқ бўлса бўлмайдимми?” деган таъналарни ҳам эшитиб қолишимиз мумкин. Шунинг учун ҳам иш пайтида ҳар бир инсон жиддий бўлиши керак деб ҳисоблайман.

— **Мураббийлар ва ўқитувчиларга қандай тилакларни билдирмоқчисиз?**

— Юқорида таъкидлаганимдек, менинг шу даражага етишишимда устозларимнинг хизмати ва ўрни бекиёс. Уларнинг кўпчилиги бу ёруғ оламни тарқатиб кетишди. Ўтганларининг охирати обод бўлсин. Ҳаёт юрганларининг умрларига умр қўшилсин.

Мураббий ва ўқитувчиларимиз доимо омон бўлсинлар. Юртимиз равнақи учун хизмат қиладиган, Ватанимизнинг порлоқ келажигани бунёд этадиган ёш авлодни тарбиялаб, уларга таълим беришдан асло чарчамасинлар. Ўқитувчи халқининг бағри кенг, сабр-бардоши тоғлар қадар бўлиши ҳеч биримизга сир эмас. Мана шу сабр тоғлари ҳеч қачон емирилмасин! Ҳар бир муаллимнинг, мураббийнинг қўнгли, уйи, мактабда хотиржамлик ҳукм сурсин!

**Шарифа МУРОДЖОН қизи суҳбатлашди.**

**Мирзохид РАҲИМОВ:**

# ЗИЁ УЛАШИМ, ИЛМ БЕРИМ — САВОБ

нинг фикрим хоҳ у сиёсий мавзуда, хоҳ қишлоқ хўжалиги мавзусида бўладими, ушбу кўрсатувларни ўз мутахассиси ёки шу соҳага ихтисослашган журналист олиб боргани мақсадга мувофиқдир. Чунки, мутахассислар тайёрлайдиган кўрсатув салмоқлироқ бўлади. Шунинг учун журналистларнинг йўли бошқа, мутахассисларнинг йўли бошқа, суҳандонларнинг йўли бошқа. Лекин суҳандонлик (дикторлик) энг ноёб ва энг керакли касбдир. Ўзбекистон Миллий университетиди, санъат ва маданият институтларида суҳандонлар учун алоҳида курслар очилса, айни муддао бўларди. Бу касбга қизиқувчи йигит-қизларимиз кам эмас.

— **Алифбони ўргатган биринчи устозингизни эслаш оласизми? Унинг қайси хислатлари хотиранингизда муҳрланиб қолган?**

— Ҳа, жуда яхши эслайман. Менга алифбони ўргатган меҳрибон устозларим икки киши бўлган. Бирлари ҳарф танишимда, чиройли ёзишимда, озода кийинишимда, хушмуомала бўлишимда ўз меҳнатларини аямаган ажойиб инсон, меҳрибон ота, ширинсўз мураббий Адҳам ака бўладилар. 1953—1961 йиллари Шайхонтоҳур туманидаги 45-мактабда ўқиганман. Энг севишли устозим эса она тили ва ада-

га кўп билим ва ҳаётий тажрибаларини, ўқиш йўлларини, матнлар устида ишлашни, касб маҳоратини ўргатган Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Неъмат ака Дўстхўжаевни ҳамisha миннатдорлик туйғуси билан эсга оламан.

— **Болалигингизда нималарни орзу қилардингиз? Уларнинг қанчаси амалга ошди, қанчаси армонга айланди?**

— Тўғриси айтсам, мен болалигимда мусиқага ихлос қўйгандим. Келажакда буюк мусиқачи бўлиш орзуси билан яшардим. Ҳатто 1957—1958 йилларда Глиэр номидаги махсус мусиқа мактабиди ҳам тахсил олганман. Буни қарангки, болалик давридан ўтиб, болоғатга етган ёшимда менда умуман бошқа соҳа, яъни бадийий ўқишга меҳр уйғонди. Бу меҳр менинг ҳаёт йўлимни белгилаб берди. Мусиқачи бўлиш эса армонга айланди. Гарчи бастакор ёки кўшиқчи бўлмасам ҳам мусиқа ва кўшиқларнинг ашаддий муҳлисман. Айниқса, классик кўшиқларни ҳаяжонсиз, беҳис тинглаш олмайман.

— **Кузатишимизча, кўпгина жиддий ахборотларни ойнаи жаҳонда сиз маромига етказиб ўқиб эшиттира-сиз. Бунга ҳам алоҳида тайёргарлик, кўникма ёки**

асосий иш қуролим вазминлик, хотиржамлик, мазмунли ва ифодали ўқиш. Чунки, мени тинглаган ҳар бир томошабин кўча-кўйда учратиб қолиб, “кеча нима ҳақида ўқидинг?” деб сўрашга мажбур бўлмасин.

— **Одатда ўз касбининг моҳир усталари кейинчалик, маълум бир ёшга етганларидан сўнг ўз мактабларини очишга ҳаракат қилишади. Сизда бундай ўй-хаёллар йўқми?**

— Бундай ўй-хаёллар йўқ эмас. Имконият топилиши билан дикторлар тайёрлайдиган катта бўлмаса ҳам кичикроқ бир курс очиб, унга ҳавасманд, қобилиятли йигит-қизларга йиллар давомида тўплаган тажрибамни ўргатмоқчиман. Айтишларича, инсон ўзи билган илмлардан бошқаларни ҳам хабардор қилмоғи керак. Чунки, зиё улашиш, кимгадир, ниманидир ўргатиш катта савоб.

— **Кўпчилик вақт етишмаслигидан нолийди. Сиз бу муаммони қандай ҳал эта-сиз?**

— Агар ҳар бир инсон қиладиган ишининг режасини тўғри тузса, вақт ҳам етади, муаммо ҳам ҳал бўлади. Ҳамма нарса инсоннинг ўзига боғлиқ. Халқимиз бежиз “Қолган ишга қор ёғар”, “Бугунги ишни эртага қўйма” демайди. Вақт етишмас-



maqomi berilgan kun

Минг шукурки, Ўзбек тилига бундан 14 йил муқаддам Давлат тили мақоми берилиб, гўзал она тилимизга муносабат тубдан ўзгарди. Туғилганлик ҳақидаги гувоҳномалар, хужжат ва турли йиғилиш баённомалари, иш қоғозлари она тилимизда ёзила бошланди. Жой номлари — кўча, маҳалла, ташкилот, боғчаю мактаб — бари-бари ўзбекча номлана бошланди. Гўзал қизларимизга қўйилган Света, Роза, Клара каби номлар Ойдин, Гулчехра каби ўзбекча исмларга

Хайриятки, истиқлол туфайли Она тилимиз яна ўз мавқеини тиклади. Мана, дарслик ҳам “Она тили” дея аталиб, “Бойсун довони”, “Тўғрилиқ”, “Имом Исмоил Бухорий”, “Тил одоби”, “Абдурауф Фитрат”, “Ўғдулмиш ва Ўзғурмиш”, “Инсоний ҳаёт”, “Маҳмуд Замахшарий”, “Иноқ ака-ука” (7-синф учун дарслик) каби мазмунли матн, ибратли ривоятлар билан тўлдирилди. Ваҳоланки, бу хайрли ишни 1986 йилда чоп этилган “Ўзбек тили” (рус мактабларининг 9- ва 10-

Билардик, фақат шоир ёзганидек “тўти”га айланиб қолаётганидек:

**Она тилим, сен борсан, шаксиз,**  
**Булбул куйин шеърга соламан.**

**Сен йўқолган кунинг, шубҳасиз,**  
**Мен ҳам тўти бўлиб қоламан...**

Яна шу ҳолга тушмаслик учун ривоят эмас, ушбу тарихий воқеани бир эслайлик.

Шоир султонга “Хамса”ни тақдим этганида... давомини

тилимизни юқори чўққига кўтарган сиймо эди. У тилимизни “Шажара боғи” тимсолида ҳис этиб, халқини булбулга қиёслади, ана шу боққа гард тушмасин, булбулларнинг овози ҳамиша янгроқ ва қувноқ бўлсин, деб ният қилди. Ҳасос шоиримиз Миртемир эса она тилимизни “Бешиқданоқ сингтан жону кулоққа”, “Қалбимизга, руҳимизга кўзгу тил”, “Тоғдан оққан сойдек шарқироқ бу тил”, “Тошларга нақш бўлиб, ўйилмиш тил бу” деб алқайди. Ҳа, она тилимиз шундай олқишларга, айни вақтда меҳр-муҳаббатга лойиқ тил. Она тилимизни уммон ортидаги шахар — Америка Қўшма Штатларида ҳам тарғиб этишмоқда.

Сиёлга-Тошкент биродарлашган шаҳарлар жамияти вице-президенти, Европада биринчилардан бўлиб ўзбек тили грамматикасига оид

дердик. Ҳозир, ақинча бўлиб қолмаяптими? Ўқувчиларимдан бири менга “Кўнгул кўчалари” газетасининг шу йилги 6 октябрь (36-сон) санасидаги сонини қизил ручка билан тўғрилаб келиб кўрсатди. Газета Жиззах вилоят Матбуот ва ахборот бошқармасида 06-005-рақами билан рўйхатга олинган, “Femida-sh- huquq” масъулияти чекланган компютер марказида терилиб саҳифаланган, адади 16.000 нусха. Шунга қарамай, газета ходимлари минглаб муштарийларини, қолаверса, она тилимизни менсимай, шундай хатоларга йўл қўйганларки, “Ё, тавба” деб ҳайратдан ёқангизини ушлайсиз. Бу саводсизликми, беписандликми? Ўзингиз баҳоберинг. Шу сондаги Суюндик Машировнинг “Хотира азоби” номли бир бетгина ҳикоясида

ОНА ТИЛИМ,  
СЕН БОРСАН, ШАКСИЗ,  
БУЛБУЛ КУЙИН ШЕЪРГА СОЛАМАН,  
СЕН ЙЎҚОЛГАН КУНИНГ, ШУБҲАСИЗ,  
МЕН ҲАМ ТЎТИ БЎЛИБ ҚОЛАМАН...

айланди. Дарсликлардаги ўзгаришларни айтмайсизми? Узоққа бормайлик-да, 1984 йилда чоп этилган: “Ўзбек тили дарслиги”ни бир varaқлайлик. Уни varaқлаб туриб, “Ё алҳазар!” деб юборасиз. Лекин у вақтда-чи? Ҳайратга тушмай ўқитаверганмиш. Гўё шундай бўлиши керакдек. Дарсликдаги матнлар М.Горький, Н.В.Гоголь, А.С.Пушкин, В.Катаев, Лев Кассиль, И.С.Тургеневлар асаридан олинган парчалардан иборат бўлиб, ўқувчи “Белогор қалъасининг кўриниши” мавзусида баён ёзишга, унда гарнизон, ямшиқ, мундир, комендант, инвалид, черков, капитан каби сўзлардан фойдаланишга мажбур эди. Ёки мана бу топшириқ ҳам шу дарсликдан ўрин олган эди:

“Рассом Н.Жуковнинг “Акаси қатл қилинди” расмидан репродукция берилди. Шу расм асосида Володянинг портретини тасвирлаб, “Гимназист Володя” темасида иншо ёзинг”.

Дарсликдаги машқларда берилган гапларга ҳам бир эътибор берсангиз, “Биз ким эдик, аммо кимни улуғлардик?” дея ҳайқиргингиз, турли шиору даъватлар дарслигимизни тўлдириб ташлаганидан «до» дегингиз келади.

синфлари учун дарслик)да учратгансиз. Рус ўқувчилари учун мўлжалланган бу дарсликда А.Навоий, Абу Али ибн Сино, Беруний, Улуғбек, Муқимий, Фурқат, У.Юсупов, А.Икромов, Ф.Хўжаев, Қодирий, Ф.Ғуллом, А.Қаҳҳор, Ҳ.Олимжон каби буюк сиймолар, фузало ва олимлар, ёзувчи ва шоирлар, фидоий раҳбарлар ҳақида суратлари билан матнлар, шунингдек, Мирмуҳсиннинг “Ибн Сино ва суяк тиқилган подшо” балладаси, А.Қаҳҳорнинг “Кўк конверт” ҳикояси, Ойбекнинг “Қутлуғ қон” романидан парча ҳам берилган эди. Афсуски, у вақтда ўзбек тилини ўрганишга эҳтиёж сезилмасди. Ўзбек тили дарслари ҳам талаб даражасида ўтилмасди. Сабаби оддий: ўзимиз қадрлай олмаган тилимизни ўзгалар қадрлармиди?

Она тилимиз гўзал ва бой тил эканлигини, ҳеч бир тилдан қолишмайдиган жозибали сеҳрга эгаллигини исботлаш учун бобомиз ҳазрат Мир Алишер Навоий озмунча заҳмат чекканмиди? “Муҳокама тулуғатайн” (“Икки тил муҳокамаси”) бежиз битилганмиди? Ёки туркий тилда яратилган “Хамса”га берилган юксак баҳони билмасмидик?

Зайниддин Восифийнинг “Бадое ул-вақоеъ”сидан келтирамиз:

Султон Ҳусайн Алишердан сўради:

— Пир нимаю, мурид нима?

Алишер жавоб берди:  
— Пирнинг тилаги — муриднинг тилаги бўлиши керак. Шунда Султон Ҳусайн ўзининг жуда асов, чопогон оқ тулпорини олиб келишни буюради ва Алишер Навоийни отга миндириб, ўзи отнинг жоловидан ушлаб етақлай бошлайди. Тарихда бундай ҳол кўрилмаган эди. Ҳеч қачон ҳеч бир замонда шох шоирга жиловдорлик қилган эмас эди.

Навоийнинг энг катта хизмати — устозлари Низомий, Деҳлавий, Жомий анъаналарини давом эттириб, “Хамса” яратди. Буюклиги эса шунда эдики, у “Хамса”ни туркий тилда битди. Шох эса унинг бу жасоратини, она тилига бўлган эҳтиромини юксак баҳолаб, унга мурид бўлди. Ҳазрати Мир Алишер Навоий:

**“Ки сўз зодаи табъу фарзанд эрур,**  
**Чу фарзанд эрур жонга пайванд эрур”.**

дея сўзни, тилини улуғлаб она

қўлланма муаллифи, Ҳамбург университети профессори Аннамари фон Габайнинг шогирди профессор Илзахоннинг ўзбек тили, маданияти, адабиёти, тарихини тарғиб эътиганидан қалбимиз ғурурга тўлмоқда. Бунга ҳар бир ўзбек билмоғи, шундай бой тили билан фахрланмоғи, унга беписандлик билан қарамаслиги лозим. Бу таъкидни бежиз келтирмадик. Марказий кўчаларда кафе, ошхоналар пештоқдаги ёзувларнинг айримлари ҳамон рус тилида лагман, плов, чай с лимон, цыпьята-табака деб ёзилганини қандай изоҳлаймиш? Ёки янги алифбодаги “шашлик”ни катта қилиб “saslik/caslik” деб ёзганларини-чи? Тоқат қилиб бўлмайдиган имлови, услубий хатоларга йўл қўяётган кўнгуллар газеталарнинг тилимизга эътиборсизлигини қандай баҳолаш мумкин? Ундаги қуруқ баёндан иборат, она тилимизнинг бой имкониятларидан фойдаланимай, сўзларни ўз ўрнида қўлламай ёзилган ҳикоялардан бизга нима наф? Авваллари ўқувчиларга “Газета, бадиий адабиётларни кўп ўқисангиз, саводхон бўласиз”

саноксиз хатоларга йўл қўйилган. Тиниш белгилар ўз ўрнида қўйилмагани майли, **болаларинга** (болаларингга), **журат** (журъат), **хулқ** (хулқ), **муҳақма** (муҳоқма), **номаён** (намоён), **синдошини** (синфдошини), **кўрасилар** (кўрасизлар), **жазолашнингизни** (жазолашингизни), **билим турти** (билим юрти), **ҳайратга** (ҳайратта), **барарамиз** (бажарамиз), **ўқиб чакқарсиз** (ўқиб чиқарсиз), **мабада** (мабодо), **уйлаяпсан** (ўйлаяпсан) каби имловий ва “**Ўқитувчи тепа сочи тикка бўлди**”, “**даргазаб қиёфаси намоён бўлиб кедими қўлоғим бўшашиб қадди букилди**” сингари услубий хатолар оддий эътиборсизлик меваси-ку!

Ўзбек тилига Давлат тили мақоми берилишининг ўзи муаммони ҳал этмайди. Барчамиз бир ёқадан бош чиқариб, она тилимиз имкониятларидан кенг фойдаланиб унинг сеҳрию кучини келажак авлодга хоҳойнаи жаҳон, хоҳ радио, хоҳ матбуот, хоҳ дарсларимиз орқали етказиб намоён этиб беролсак, мақсадга эришамиз.

**Маҳмуда ВАЛИЕВА,**  
**Юнусобод туманидаги**  
**274-мактаб муаллимаси**

Республикамиз таълим тизимида «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури», «Таълим тўғрисида»ги қонуни асосида бошланган туб ислохотлар давом этилаётган ҳозирги даврда қалби, онги, шуурини миллий мафкура ва мустақиллик гоёлари банд этган, юксак билимли ва маданиятли баркамол авлодни тарбиялаш, уларда ватанпарварлик, шарқона одоб-ахлоқ, энг юксак маънавий-инсоний фазилатларни таркиб топтириш вазифаси асосан халқ таълими ходимлари, хусусан биз, ўзбек тили ва адабиёти жонкуярлари зиммасига юкланганлигини қалбан чуқур англаймиз.

Бу жараёнда «Давлат тили ҳақида»ги ҳамда «Лотин ёзувиги асосланган ўзбек алифбосини

ТИЛ – МИЛЛАТ ФАХРИ

жорий этиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни ва мазкур хужжатлар юзасидан ҳукуматимиз тасдиқлаган давлат дастурларининг амалиётга татбиқ этилиши гоёат муҳим аҳамият касб этмоқда. Ўтган давр мобайнида юқорида тилга олинган хужжатларда белгиланган давлат аҳамиятига молик муҳим ижтимоий-сиёсий ва маънавий вазифалар халқ таълими тизимидаги ўқув-тарбия муассасаларида асосан муваффақиятли тарзда бажарилмоқда. Жумладан, ўзбек тили — Давлат тили мақомида таълим тизимидаги барча муассасалар фаолиятдан мустаҳкам ўрин эгал-

лади, лотин ёзувиги асосланган янги алифбо босқичма-босқич амалиётга жорий этилди. Таълим бошқа тилларда олиб бориладиган мактабларда давлат тилининг ўқитилиши жараёнида маълум силжишлар кўзга ташланади. Таълим бошқа тилларда олиб бориладиган умумтаълим мактаблари учун ўзбек тилидан ДТС асосида 5—9-синфлар учун «Ўзбек тили» дастури, 2—6-синфлар учун «Ўзбек тили» (муаллифлар: Р.Топилова ва бошқалар) дарсликлари чоп этилди, 8—9-синфлар дарсликлари (муаллифлар: Р.Йўлдошев, М.Усмонова) тақомиллаштирилиб, таълим

тизимларига етказилди. Ўқитувчиларга ёрдам сифатида 2—11-синфлар учун «Ўзбек тили таълимида янги педагогик технологиялар», «Ўзбек тилида синфдан ташқари тадбирлар», «Лотин ёзувиги асосланган ўзбек алифбоси ва имлоси», «Диктантлар тўплами», тарқатма материаллар, чораклик тест топшириқлари каби бир қатор методик қўлланма ва тавсиялар чоп этилди. Узлуксиз таълим тизимида фанларнинг узвийлигини ва узлуксизлигини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсул таълим вазирликлари

нинг қўшма буйруғига асосан барча фанлар қаторида ўзбек тили фанидан ҳам узвийлаштирилган дастурлар ишлаб чиқилиб, 2002—2003 ўқув йилида тажриба-синовдан ўтказилди. Шунингдек, ўтти даврига мўлжаллаб янгиланган 10-синф дастурлари асосида «Ўзбек тили» дарслиги ва методик қўлланмаси яратилиб, нашрга топширилди. Ўзбек тили таълимнинг долзарб масалаларига бағишланган «Ўзбек тили» доимий анжумани, Навоий вилояти замирида ҳар йили ўтказиладиган «Давлат тили ва умуминсоний қадриятлар» рукнидаги республика илмий-амалий анжуманлари натижасида давлат тили-

нинг жамиятимиздаги нуфузи кўтарилди, тил таълими янги йўналиш жараёнига кирди, унга янги педагогик технологиялар жорий этилмоқда.

«Давлат тили ҳақида»ги қонун қабул қилинган кун республика миқёсида, жумладан, барча таълим муассасаларида «Тил байрами» кенг нишонланиб, «Давлат тили» ҳафталиги, «Ўзбек тили» фестивали каби бир қатор тадбирлар, кўрик-танловлар, шоир, ёзувчи, санъаткорлар, дарслик муаллифлари билан учрашувлар ташкил қилинади.

**Д.НУРИДДИНОВА,**  
**РТМ бош мутахассиси**

Tavsiya



Ўзбекистон — Олмония ўртасидаги ўзаро муносабатлар нафақат ижтимоий-сиёсий соҳаларда, балки фан ва маданий алоқаларда ҳам кўзга ташланмоқда. Ўтган йилнинг декабрь ойида Олмониядаги Фрайбург университети билан олмон — ўзбек илмий жамиятининг тузилишига асос солинган эди. Мазкур жамият ташаббуси билан яқинда Низомий номидаги ТДПУда халқаро илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди. Алберт Людвиг номидаги Фрайбург университети ректори, профессор Волфганг Йегер раҳбарлигидаги бир гуруҳ, олмониялик профессор-ўқитувчилар, талабалар ташриф буюрган “Маданиятлараро мулоқотнинг долзарб масалалари” мавзuidaги бу халқаро анжуманда Швейцария, Россия, Қирғизистон ва Туркия

## БЕШ ЙИЛ МУДДАТГА

каби давлатлардан ҳам бир қанча илм даргалари иштирок этди.

Анжуманда 60 нафардан ортиқ олимлар маърузалари, илмий фикрлар ўртага ташланди.

Анжуманининг якуновчи кунида эса энг муҳим ҳужжат — Алберт Людвиг номидаги Фрайбург университети ва Низомий номидаги ТДПУ ўртасида ҳамкорлик шартномаси имзоланди. Шартнома беш йил муддатга тузилган бўлиб, унда иккала университет ўртасидаги ўзаро илмий-амалий ҳамкорликни йўлга қўйиш, профессор-ўқитувчилар, аспирантлар, талабалар алмашинуви ва шунингдек, иккала даргоҳ ўртасидаги тажриба алмашиш билан бирга янги ўқув қўлланмалари, дарслик ва дастурларнинг янги авлодини яратиш мақсад қилиб қўйилган.

Элмирза ЭРКАЕВ,  
Низомий номидаги ТДПУ ўқитувчиси

# КАТТА ЁШЛИЛАР ТАЪЛИМИ ҲАМ КЕРАК

Инсоният ишонч ва умид билан қараётган бугунги ҳамда эртанги кунимиз талаблари мамлакатлар, давлатлар олдига дунёвий вазибаларни кўндаланг қилиб қўймоқда. Булардан бири одамларнинг, жамиятнинг саводхонлиги, маърифатлилиги масаласидир. Буни барвақт илганган мамлакатларда иқтисодий-ижтимоий, маданий-маърифий ишлар, фан ва техника, янги технология кескин ривожланган. АҚШ, Япония, Германия, Швеция каби давлатларда бу жиҳатдан эришилган ютуқлар жаҳон афкор оммасини хайратга солади. Кейинги ўн йилликларда илм-маърифат, янгилик ва ташаббуслардан пул-маблагини аямаётган Жанубий Корея, Хитой, Ҳиндистон, Сингапур сингари қатор мамлакатлар тараққиётга эришмоқда.

Ўзбекистон ҳукуматининг ҳам мамлакатда “Катта ёшдагилар учун таълим тизими”ни яратиш ҳақидаги кўрсатмаси улкан аҳамият касб этади. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги шу йилнинг июнь ойида Алишер Навоий номидаги Самарқанд давлат университетида “Катта ёшдагилар учун таълим” мавзусида республика илмий-ушубий ан-

жуманини ўтказган эди. Унга вазирликнинг масъул ходимлари, Тошкент, Бухоро, Фарғона, Қарши, Термиз университетлари, Жиззах давлат педагогика, Самарқанд чет тиллар институти профессор-ўқитувчилари, услубчи мутахассислар, бу муаммога қизиқётган илмий ходимлар, мутасадди муассасалардан вакиллар қатнашишди. “Катта ёшдагилар таълимининг ягона тизimini яратиш замон талаби”, “Катта ёшдагилар учун таълимнинг ахборот технологиялари”, “Катта ёшдагилар учун таълимни ривожлантиришнинг умумий масалалари”, “Катта ёшдагилар учун таълимни ривожлантиришнинг долзарб муаммолари”, “Катталар таълимининг истиқболлари”, “Катта ёшдагиларни қайта касбга тайёрлаш самарадорлигини ошириш йўллари”, “Катталар таълимида педагог ва муҳандис ходимларнинг билимларини ошириш истиқболлари” каби мавзуларда маърузалар эшитилиб, атрафлири ва қимматли тақлифлар ўртага ташланди.

### Ta'lim turi

Сирасини айтганда, Республи-

лика Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги бундай янгиликка бағишланган анжумани ўтказиш учун Самарқанд давлат университетини бежиз танламаган. Зеро, ушбу билим масканида узлуксиз таълим, масофадан туриб ўқиши, янги техника ва технологияни дадил жорий этиш, жумладан, университетда катта ёшдагилар таълимининг формал, ноформал ва иноформал кўринишлари қўлланилмоқда.

Булардан ташқари, очик таълим тизими ҳам мавжудки, унда тингловчилар ўқув даргоҳларини битирганлиги, дипломли бўлишларидан қатъи назар, эҳтиёжларга қараб қўшимча ихтисослик олиш имконига эга бўладилар.

ЮНЕСКО маълумотларига қараганда, жаҳоннинг тараққи қилган мамлакатларида катта ёшдагилар таълимига жалб этилганлар сони мактаб ўқувчилари сонидан сира қолишмас экан. Бу муайян давлатларнинг ривожланиш имкониятлари ва шарт-шароитларига қараб белгиланади. Демак, кишиларнинг ҳар қандай ёшда билим олишини таъмин-

лайди ва ўз навбатида, катта ёшдаги фуқароларнинг шахсий манфаати билан жамият манфаатини уйғунлаштиришга олиб келади. Пировад мақсадда, ҳамма инсонларнинг умумбашарий қадриятларга яқинлашиши учун йўл очилади.

Ўз-ўзидан кўриниб турибдики, бундай таълим тизими мустақил Ўзбекистоннинг ҳам тараққиёт йўллари белгилайди. Мухими, катта ёшдагилар таълими кишининг дунёқараши, касб ихтисослигини чуқур эгаллаши, кўникма-малакасини оширишда катта рол ўйнайди. Таълимнинг бу тури мамлакатимиздаги мавжуд мактабгача, умумий ўрта, ўрта махсус касб-ҳунар ва олий, ундан кейинги, малака ошириш ва қайта тайёрлаш босқичидан кам аҳамиятга эга эмас.

Республика миқёсида катта ёшдагилар таълимини ривожлантириш учун махсус тайёргарлик ишлари — меъёрий ҳужжатлар, илмий-педагогик концепциялар ишлаб чиқишни кечиктирмаклик талаб қилинади. Ана шундагина таълимнинг бу тури жамиятда ўз ўрнига эга бўлар эди.

Исроил МИРЗАЕВ,  
СамДУ профессори

Дунё кенг, унда мамлакатлар кўп. Ҳар бирининг ўзига хос таълим тизими бор. Тўғриси айтганда, мустақиллик даврида таълим соҳасида у ёки бу давлат билан ҳамкорлик қилмаётган билим масканларининг ўзи йўқ. Ўз фаолиятининг маънавияти бўлагини халқаро алоқаларга йўналтираётган Тошкент архитектура-қурилиш институти мисолида бу масалага ёндашадиган бўлсак, бир қанча манзиллар бу даргоҳ билан ҳамкорлик риштасини боғлаганига гувоҳ бўлиш мумкин. Мухбиримиз институтнинг илмий ишлар ва ахборот технологиялари бўйича проректори, профессор Дилшод Латиповни суҳбатга тортиди:

— Тошкент архитектура-қурилиш институти нисбатан ёш, аммо нуфузи анча юқори даргоҳлардан бири. Собик политехника институтининг бир факультети негизда таркиб топган институт Ўзбекистон мустақиллиги йилларида ўзига хос обрў-эйтиборга сазовор бўлди.

Ичкардан эмас, ташқаридан туриб, разм солсанг, ҳар бир таълим даргоҳининг ютуғи, камчилиги кўзга яққол ташланади. Шу боис институтимиз раҳбарияти хорижий мамлакатлардаги турдош институт ва университетлар билан алоқа ўрнатишга киришди.

Германиянинг Веймар қурилиш, Мюнхен ва Берлин техника университетлари билан ўрнатилган ҳамкорлик дунё миқёсида институтимизнинг бир қанча мамлакатларда тан олинганидан далолат беради. Айниқса, кейинги ўқув йиллари мобайнида Мюнхен техника университети билан тузилган шартномалар ўзининг янги босқичига кўтарилди. Ўтган ўқув йилида институтимизнинг “Қурилиш материаллари ва гидравлика” кафедраси билан бу университетнинг “Аналитик ва органик химё” кафедралари ўртасидаги алоқалар бир қадр чуқурлашди. Кафедралараро ҳамкорлик 2003-2005 йилларга мўлжалланган бўлиб, у илмий лойиҳа асосида яна ҳам реаллик касб этайпти. Бу иккала кафедра ўртасида “Европа мамлакатлари тажрибаси асосида физика-кимёвий изланишларнинг янги илмий методологиясини тузиш, Ўзбекистондаги та-

рихий обидаларнинг архитектура декорини ўрганиш” мавзусидаги илмий лойиҳа тайёрланган. Унинг бажарили-

# ЎЗБЕКИСТОНДА МЕЪМОРЧИЛИК ТАЪЛИМИ

ёхуд  
Тошкент  
архитектура-  
қурилиш  
институтининг  
халқаро  
алоқалари  
хусусида

ши иккала кафедра олимлари зиммасига юкланади.

Бундан ташқари, Мюнхен техника университети хузуридаги реставрация институти директори, профессор Эмерлин бошчилигидаги 4 кишидан иборат делегация шу йилнинг бошида бизга ташриф буюришди. Немис олимлари институтимиз фаолияти билан танишишдан ташқари, Тошкент ва Самарқанд шаҳарларидаги тарихий обидаларни кўздан кечиришди. Асрлардан асрларга ўтиб, бизга қадр етиб келган бу обидалар вақти-вақти билан таъмирлаб турилади. Германиялик ҳамкасларимиз уларни асраб-авайлаш,

### Xalqaro hamkorlik

келгуси авлодга ҳам ўз қиёфасини йўқотмаган ҳолда етказиш бўйича ўз фикрларини айтишди.

Шу йилнинг февраль ойида эса институтимиз ректори, профессор Б.Аскарлов Бельгияда бўлиб қайтди. У ТАСИС, TEMPUS дастурига оид “Шаҳарлар умумхалқ мулки ва уларнинг ривожланишини қўллаб-қувватлаш” лойиҳасида иштирок этди. Бу лойиҳада бир қанча мамлакатлар, шу жумладан, Ўзбекистон ҳам иштирок этади. Тақлиф

лиши” факультетида ўз маърузаларини талабаларимиз ҳукмига ҳавола этмоқда.

Халқаро ЮНЕСКО ташкилотининг Ўзбекистонга қизиқиши катта. Чунки юртимизда жаҳон маданий меросига ҳисса бўлиб қўшилишга аризулик дурдоналар кўп. Бу ташкилотга қарашли жаҳон мероси марказининг вакили Антонио Ланнарино Идельсон билан бўлган учрашув ҳам институтимизнинг халқаро доирадаги обрў-эйтиборини мустаҳкамлади, деб ўйлайман. Учрашув мобайнида архитектура обидаларини тиклаш, сақлаш, тажриба алмашиш ва малака ошириш марказини тузиш масаласи муҳокама қилинди. ЮНЕСКО жаҳон мероси марказининг координатори жаноб Франческо Бендаринога “Саревик” лойиҳасида иштирок этишга розилик билдирувчи хат юборилди.

Мустақил давлатлар ҳамдўстлигига аъзо Қозғистон ва Тожикистон архитектура-қурилиш академиялари, Москва “Полимерстрой материалы” акционерлик жамияти қошидаги “Битумные рулонные материалы” лабораторияси билан ўқув ва илмий ишлар бўйича ҳам ҳамкорлик қилиб келаяпмиз.

Меъморчилик бўйича Ўзбекистонда тўпланган тажрибалар оз эмас. Аҳждоқларимиз томонидан қурилиб, бугунги авлодга бус-бутун ҳолда етиб келган тарихий обидалар, қурилаётган замонавий иншоотлар ўзбек меъморчилиги шухратини дунё узра ёймоқда. Ана шу соҳанинг етук мутахассис кадрлар билан таъминланиши ва бу борадаги илмий тадқиқотларнинг амалга оширилиши кўпинча институтлар фаолияти билан чамбарчас боғланиб кетади. Шундай бўлгач, ўз фаолиятимизни тор доирада эмас, балки дунё миқёсидаги муаммоларни ўрганиш билан боғлиқ ҳолда олиб боришимиз керак.

Х.ТҲЙМАНОВА суҳбатлашди.

## КАФЕДРА ДАРСЛИГИ ИНТЕРНЕТДА

Экология фанидан яратилган электрон дарслик интернет тармоғига киритилди. Ўзбекистонда ilk бор чоп этилган бундай электрон ўқув қўлланма Тошкент тўқимачилик ва енгил санаят институтининг “Меҳнат муҳофазаси” кафедраси педагог олимлари изланиши натижаси ўлароқ юзага келди.


Кафедрада ўқув фанининг меҳнат муҳофазаси, фуқаро муҳофазаси йўналишлари билан бир қаторда экологик билимларга оид йирик тадқиқотлар олиб борилмоқда. “Меҳнат муҳофазаси” дарслиги эса касб-ҳунар коллежлари учун яхши соғва бўлди. Бакалаврлар ўқув режасига мувофиқ ёзилган “Фуқаро муҳофазаси” дарслиги Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг мувофиқлаштирувчи кенгаши томонидан нашрга тавсия этилди.

Шунингдек, интернетдан шу йўналишдаги кўплаб адабиётлар рўйхати ҳам ўрин олган.

— Бу борадаги изланишларимиз интернетда ўз сайтимизни очиш заруратини юзага келтирди, — дейди кафедра мудири Очил Қудратов. — Экология электрон дарслиги ҳам, тадқиқотларимиз ҳам шу сайт орқали омалаштириладиган бўлди.

“Туркистон-пресс”

Кейинги йилларда мактаблар учун дарсликлар, ўқув кўлланмалари ва турли методик ишланмалар яратилмоқда. Қуворнарилли шундаки, дарслик ва ўқув кўлланмалари турли муаллифлар томонидан яратилиб, муқобил танлов асосида сараб олинмоқда. Бу борада Осиё тараққиёт банки томонидан Эълон қилинган танловлар яхши натижа берди. Ана шу танловларнинг бирида умумтаълим мактабларининг 5-синфлари учун тайёрланган П.Фуломов ва Р.Курбонниёзовларнинг "Табиий география (бошланғич курси)" дарслиги ҳамда у учун махсус яратилган методик кўлланма голиб, деб топилиб, нашрга тавсия этилди.



Дарслик, аввало, давлат таълим стандартлари ва амалдаги ўқув дастурига жуда мос. Айниқса, ундаги мавзулар ўқув режасида белгиланган дарс соатларига мувофиқ берилган. Ҳар бир мавзу ўқувчиларнинг ёш ва психологик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда содда, аниқ, қисқа ва тушунарли баён этилган. Дарсликни ўрганиш жараёнида ундаги қизиқарли маълумотлар, савол ва топшириқлар, мавзулар учун танланган иллюстрациялар, харита схемалар ва айниқса, дизайн ҳар бир ўқувчининг диққатини ўзига тартади, унда қизиқиш ўйғотади.

Мавзуларни ёритишда унинг мазмунига миллий истиқлол ғояси, миллий рух, аждодларимизнинг илмий мероси тўлиқ сингдирилган. Ҳар бир мавзудан сўнг таянч сўз ва иборалар, терминлар берилганки, ўқувчилар уларнинг мавзунини ўзлаштиришлари натижасида қандай маъно аниқлаштирилиши аниқ билиб оладилар. Дарсликда савол ва топшириқларни беришда ўқувчиларнинг ёш хусусиятлари ҳисобга оlinиб, "Globus" ва "Laylakvoy"дан фойда-

ланилган. Уларнинг расмлари ҳар бир мавзуга оид савол ва топшириқларда, қизиқарли маълумотларда берилган. Бундан ташқари, таянч сўзлар, тушунчалар, савол ва топшириқлар, қизиқарли маълумотларнинг ҳар бири алоҳида ранглар ёрдамида ажратилган.

Дарслик билан бир қаторда табиий географиянинг бошланғич курси ўқув кўлланмаси ҳам ўқитувчилар учун бир туҳфа бўлди. Методик кўлланма умумий ўрта таълимнинг давлат стандарти ва ўқув дастури асосида 34 соатга мўлжаллаб ёзилган. У дарсликдаги материалларни режалаштиришга бағишланган бўлиб, ўқитувчи ундан дарс учун зарур бўлган мате-

риалларни тўлдиришда фойдаланади. Кўлланмада ҳар бир дарсликнинг мақсади ва вазифалари, ўқув-кўрғазма материаллари, дарсни уюштириш шакллари, таянч атама ва тушунчалар, номлар ва мавзуларга оид қўшимча маълумотлар аниқ ҳамда бир-биринан ажратиб берилган.

Дарслик ва методик кўлланма билан танишиб чиққан ҳар бир киши география фанининг нақадар қизиқарли, кенг қамровли, амалий фанлардан эканлигига ва энг муҳими, дарсликда келтирилган маълумотларнинг ўқувчилар томонидан осон ўзлаштирилишига ишонч ҳосил қилади.

**Ф.ҲИҚМАТОВ,**  
география фанлари  
доктори,  
**М.МИРАҚМАЛОВ,**  
география фанлари  
номзоди



Тиббиёт ривожланишининг илк босқичларида шифокорлар бемор қиёфаси, гавда тузилиши, тери ва шиллик пардалари, турли ажратмалари, қондаги ўзгаришларга қараб унинг касаллик ташхисини аниқлашга ҳаракат қилганлар.

Ҳозирги кунда "Функционал ва клиник лаборатория ташхиси" фани ҳайрон қоларли даражада юксалди. Бемор

ҳодимларнинг тўхтовсиз равишда малакасини ошириб бориш, янги аппаратлар ва ускуналар, реактивлар билан ишлашда малака ва кўникмалар ҳосил қилиш лозим.

Шу мақсадда чоп этилган "Функционал ва клиник лаборатория ташхиси бўйича текшириш усуллари" китобида лаборатория хоналари, уларнинг жиҳозланиши, асбоб-ускуналари ҳақида, уларга қўйи-

ва ахборотлар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳам келтирилган.

Н.Абдуллаев, Ҳ.Каримов, Т.Умарова, А.Усмонхўжаевлар муаллифлигида дунёга келган дарслик касб-хунар коллежлари ўқувчилари учун мўлжалланган ўқув адабиётидир.

\*\*\*

Ф.Ҳайдаров, -Ш.Эрматов-

## ТИББИЁТ КОЛЛЕЖИ ЎҚУВЧИЛАРИ УЧУН

Даволаш-профилактика тармоқларининг ажралмас соҳасига айланган, айни вақтда мустақил ҳисобланган "Функционал ва клиник лаборатория ташхиси" фани шаклланишига узоқ, машаққатли йўлни босиб ўтди. Бу фаннинг юзага келиши ва тараққиёти этишида турли соҳа вакиллари салмоқли ҳисса қўшишган. "Функционал ва клиник лаборатория ташхиси" фани физика, кимё, биология, математика ҳамда фундаментал ва клиник медицина ютуқлари билан боғлиқ бўлган ўзига хос фандир.

организмининг турли тузилмаларидаги ўзгаришлар радиоизотоп, компьютерли томография, ультратовуш ҳамда молекуляр ва ирсий тузилмаларни аниқловчи анализаторлар ва бошқалар ёрдамида тез ва аниқ текшириляпти.

Функционал ва клиник лаборатория ташхисини қўйиш учун беморда энг оддийдан торттиб, ниҳоятда мураккаб усуллар ёрдамида текшириш олиб борилади. Шунинг учун бу соҳада хизмат қилаётган

ладиган талаб, ишлаш қоидаларига тааллуқли материаллар берилмаган. Бунга сабаб "Лаборатория техникаси" дарслигида юқоридагилар тўлиқ ёритилган.

Дарслик муқаддима ҳамда икки бўлимдан иборат. Биринчи бўлим, яъни "Функционал текширишлар" беш мавзудан иборат бўлса, "Клиник лаборатория текширишлари" деб номланган иккинчи бўлим ўн мавзунини қамраб олган. Шунингдек, китоб сўнггида қўшимча кўлланма

лар ҳаммуаллифлигида чоп этилган "Ички касалликлар" китоби ҳам "Абу Али ибн Сино" нашриётининг ўз ўқувчиларига тўхтасидир.

"Жаҳон миқёсидаги ўрта тиббиёт ҳодимларини тайёрлаш замон талабидир. Шу талабга асосан юқори малакали, янги тиббиёт техникаси билан мукамал ишлайдиган, беморнинг аҳволига баҳо бериб, касаллик симптоматикаси асосида ташхис қўйиб, бемор муаммоси

бўйича мустақил режа тузиб ишлай оладиган ҳамширалар тайёрлаш мақсадида ушбу дарсликни ёзишга жазм қилдик", дейди муаллифлар китобга битилган сўзбошида.

Дарсликда фақат ички аъзолар касалликларининг турли формалари билан бир қаторда, ҳамширанинг келажакдаги амалий фаолиятига ҳам кенг ўрин берилган. Шунинг учун назарий билим

асослари билан биргаликда, клиникагача бўлган поликлиникада, шифохона бўлимларида, диспансерларда олиб бориладиган амалий дарсларга услубий йўриқномалар кўрсатилган.

Китобни қўлга олган ўқувчи унда касаллик тўғрисида кенг маълумот борлигига амин бўлади. Умумий тўқималар патологияси, беморларни клиник текшириш усуллари ҳам батафсил ёритилган. Ҳар бир бобда назарий билим асосларидан сўнг назорат

## РОМАНГА ЎРНАТИЛГАН ҲАЙКАЛ

Атоқли ёзувчи Шухратнинг романлари кўпчиликка маълум. Унинг болалар ва ўсмирлар ҳаётини акс эттирган ҳикоя ва қиссалари ҳам талайгина эди. "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Бош таҳририяти болажонлар учун янги алифбода адибнинг "Етим бошин силаганлар" (Тошкент, 2003) номли китобини чоп этишдек эзгу ишни амалга оширди. Китобдан мактабда ўқишни жуда хоҳлаган, аммо уруш туғайли ниятига ета олмаган, Фарбий Украинанинг Великий Луйбин қишлоғида яшаган 5 яшар бола — Роман ҳақидаги "Чанқоқлик" қиссаси ҳам ўрин олган. Фашист ўқидан бевақт ҳалок бўлган, машинист бўлишни орзу қилган, ниятига етолмаган Роман хотирасига ҳайкал ўрнатилиши, бу ҳайкалнинг узоқ йиллар илмга чанқоқ, саводсиз ўлканинг маърифатга интилишини ифодадай олиши, унинг муаллифи бадиий санъат билим юртининг талабаси эканлиги ҳақидаги бу қисса мароқ билан ўқилади.

Уруш кўрган адибнинг "Фронт йўлларида", "Етим бошин силаганлар", "Жангчи ва қуш", "Уруш сўқмоғида" ҳикояларини ўқиган болажонларда тинч, хотиржам, осойишта ҳаётимизга меҳр-муҳаббат уйғонади. "Шарифанинг қорни нега оғриди?" ҳикояси кўп бодринг еб қорни оғриган қиз ҳақида бўлиб, нафсни жиловлашга чақирса, "Миннатдорлик" ҳикоясида жароҳатланган дельфиннинг меҳрибон деҳистлари — Славка, Мансурлардан меҳрибонликлари учун миннатдор бўлиб, бир гала дельфинлар билан денгизда пайдо бўлиши эса тилсиз жониворларга ҳам гамхўрлик қилишга чорлайди. Бу каби ҳикоялар болаларда она табиатга, ҳайвонот оламига меҳр уйғотиши билан аҳамиятлидир. Китобдаги ҳикоялар болалар кўнглига яқин, содда тилда ёзилган. Шунингдек, "Яхши ниятли киши" қиссаси, "Оққўшнинг кенжа боласи", "Азиз расм", "Сайёҳ кактус", "Эркинжоннинг буваси", "Бир халта тош" каби ҳикоялар ҳам болажонларга ман-



зур бўлади, деб ўйлаймиз. Китобдан бошланғич синф ўқитувчилари мустақил ўқиш ва синфдан ташқари ўқиш машғулотларида бемалол фойдаланишлари мумкин.

Гулноз ОРИФЖОНОВА

Тулпор, асалари, товۇқ—ўзбек хонадонининг кўт-баракиси, ризқ-рўзи, айтиш мумкинки, содда, бегубор бойқишлоқликларнинг хонадон аъзоси. Ёзувчи Темурибек "Тенги йўқ тенгдошлар" ("Маънавият" нашриёти, 2003 йил) номли қисса ва ҳикоялар тўпламида ўзи яхши билган ҳаётнинг бир парчасини меҳр билан тасвирлайди.

Отадан қолган мерос — ота алмаштирувлик эшак, хўжаликда унинг ўн отдан афзаллиги, кучи ҳалоллиги ҳақидаги "Оқ тулпор", "Турсуналининг асаларичиликни менсимаслиги, аммо "бахорий офтобни гул касаларига тўлдираётган кир-адирларнинг "эркаси" — асалариларнинг отаси қабри устидаги лолақизгалдоқлар гулида юрганини" кўриб ҳайратланиши "Асалари" ҳикоясида шундай баён қилинадики, жонсиз



ига бемалол юриб келгани қаламга олинган.

Тўпلامни ўқир экансиз, бойқишлоқликларнинг ажиб табиати очилиб бораверади. Муаллиф ёзади: "Бойқишлоқликларнинг деярли барчасининг лақаби бор. Лақаб тўқилиб тўртта одамга маъқул келди, хоҳ дод де, хоҳ вой де, на олиб ташлаб бўлади, на ўзгартириб. Ҳатто ота-она кўйган исмни ўзгартириш мумкинлиги, аммо лақабини... Бойқишлоқда бундай воқеа рўй бермаган."

"Тарбия" ҳикоясида Маҳмадиллонинг ҳозиржавоблиги, "Жонли лаборатория" ҳикоясида Кўзибойнинг кўзиқорин "операцияси" амалга ошмай қолгани ҳақида ўқиб, қишлоқ одамларининг феъл-атвори


## БОЙҚИШЛОҚЛИКЛАРНИНГ АЖИБ ТАБИАТИ

ҳайвонот оламининг меҳридан сиз ҳам ҳайратланасиз. "Оқ товۇқ", "Қўшиллар" ҳикоясидаги товۇқ хангомаларини эса мириқиб ўқийсиз — қўшни томонидан уч кун дон ва сувсиз тоғора тагига яшириб қўйилган оқ товۇқнинг ўз тухумини еб уч кун жон сақлаганини ўқиб "фаҳми оз" товۇқча бошқача баҳо берасиз. "Қишлоқча муолажа" ҳикоясида эса Маматқосим отанинг товонидаги ортиқча ўсиб чиққан этни Моможонзнанинг бир халта замбурғунини янчиб, дори тайёрлаб сугуриб олгани, докторлар тили билан айтганда рақини даволагани, етти кун деганда Маматқосим отанинг уй-

билан танишасиз. "Суқут", "Тенги йўқ тенгдошлар" ҳикоялари ҳам кўнглига яқин. Эр-хотиннинг аразлашувини камгап, аммо ўзига хос табиатли раис Деҳқонбой Нишонунинг "ўзига хос усул" да гап-сўзсиз ҳал этиши ҳам оддий қишлоқ ҳаётини ёрқин ифодалайди.

"Тенги йўқ тенгдошлар" тўпلامي ёзувчи Темурибекнинг кўрган ва кузатган кундалик воқеалари асосида яратилган. Ёзувчи ҳамқишлоқлари муносабатларидаги самимият ва меҳрни ҳикояларида акс эттириб, кўнглингизга бир тиниқлик, илиқлик бахш этади. Ўзбекнинг ўзлигини кўрсатувчи, маълум даражада ёзувчи Шукур Холмиров "Ўзбеклар" инти еслатувчи бу ҳикояларни ўзингиз ўқиб, китобнинг ҳақиқий баҳосини берасиз, деган умиддаммиз.

Маҳмуда ЗОИРХОН қизи



саволлари, муаммоси масалалар берилганки, бу ўқувчиларнинг мустақил ишлашига имкон яратади.

Китоб 8060 нусхада чоп этилган. Унга Д. Абдуллаева муҳаррирлик қилган. Мазкур кўлланма Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ўрта махсус касб-хунар таълими маркази томонидан тиббиёт коллежлари учун дарслик сифатида тавсия этилган.

Шарифа  
МАДРАҲИМОВА,  
Баҳодир ЗОИРОВ

**Эркин Фаниев ҳақида мақола ёзиш истагида келганлигимни айтганимда, Жиззах давлат педагогика институти ректори, профессор Гофур Муҳаммедов қувончини яширмади:**

— Эркинга ўхшаш илм фидойиси, захматқаш, ҳалол, виждонли устозлар ҳақида ҳар қанча ёзса арзийди, — деди у фахр билан. — Тўғриси, бундай илмга чанқоқ, бутун умрини фанимиз тараққиёти йўлида сарфлаётган замондошларимиз юртимиз бойлиги, миллатимиз келажагидир.

Эркинжон табиатан содда ва камтарин инсон. Бу соддалик унинг қонида бор. Отаси Фани бобо Қодиров чўпон бўлиб, фарзандларига пешона тери, ҳалол меҳнати

«Худудий узлуксиз таълимни такомиллаштиришни моделлаштириш» мавзусида докторлик ишини якунлаш арафасида. Устозлари — академик Восил Қобулов, иқтисод фанлари доктори Бозор Бериков ва бошқалардан сўраганимиз маъқул» деди. Бунга ҳам рози бўлдим. Институт ҳовлисида қайси талабадан Эркинжон ҳақида сўраганимда, уларнинг барчаси «биз Эркин ака Фаниевни ҳурмат қиламиз. У оқкўнгил, талабчан, ҳалол устоз» дейишди. Фикримизни янада тўлдириш учун унинг касбдошлари билан ҳам суҳбатлашдик.

Баҳром Мамажонов, ўқув ишлари бўйича проректор:

— Эркин Фаниев ҳар қандай мақтовга лойиқ инсон. Масалан, у 1998 йили «Устоз» республика жамғармаси томонидан мамлакатимиз олимлари ўртасида ўтказилган кўрик-танловда «Йилнинг энг яхши

лар, у кўнгил кенг бўлса бас, дейди камтарлик билан.

Э.Фаниевдан ўзим қизиққан саволларга жавоб олмоқчи бўлганимда, у бироз хижолат тортиб, «Яхшиси мен ҳақимда бошқалардан сўраганимиз маъқул» деди. Бунга ҳам рози бўлдим. Институт ҳовлисида қайси талабадан Эркинжон ҳақида сўраганимда, уларнинг барчаси «биз Эркин ака Фаниевни ҳурмат қиламиз. У оқкўнгил, талабчан, ҳалол устоз» дейишди. Фикримизни янада тўлдириш учун унинг касбдошлари билан ҳам суҳбатлашдик.

Баҳром Мамажонов, ўқув ишлари бўйича проректор:

— Эркин Фаниев ҳар қандай мақтовга лойиқ инсон. Масалан, у 1998 йили «Устоз» республика жамғармаси томонидан мамлакатимиз олимлари ўртасида ўтказилган кўрик-танловда «Йилнинг энг яхши

Elda aziz

Эркинжон энг юқори рейтингга эга бўлади. Ҳақиқатан ҳам у шундай ишончга муносиб изланувчан ва ҳалол инсон.

Э.Фаниев ўзининг билимини шоғирдларидан аямайдиған бағри кенг устоздир. У раҳбарлик қилаётган кафедрада ҳозир 24 нафар ўқитувчи бор. Шулардан беш нафари бевосита Эркинжоннинг кўмағида номзодлик ишини тугаллаш арафасида турибди.

Эркинжоннинг турмуш ўртоғи Гулбахор, ўғиллари — Олимжон, Фозилжон, қизлари — Севара, Покиза, келини Муқаррам ҳам ўқитувчи. Мақтабда, институтда ёшларга сабоқ беришади. Демак, домла айна пайтда ўқитувчилар сулоласига ҳам бошчилик қилаётирлар.

Ушбу мақолани ёзиш жараёнида қаҳрамониимиз ҳаётини бўрттириб юбормадиммикин, деган савол мени безовта қилиб турди. Зукко ўқувчи эътибор берган бўлса, «қозонда бори чўмигча чиқди». Қолаверса, элим деб, юртим деб ёниб яшаган ҳар бир фуқаро шу она-Ватан, муқаддас замин учун нималарга қодир эканлигини кўрсатишга барча имкон етарли эканлигидан бир далолат бу.

— Мамлакатимизда илм-фанни ривожлантиришга озми-кўпми ҳисса қўшиш бирдан-бир мақсадим, орзум, — дейди Эркин Фаниев. — Олимнинг олимлиги кўп нарсени билишида эмас, ўзи билган нарсени ёшларга, шоғирдларига кўпроқ етказиб беришда, деб биламан. Билим ёшларники, келажак уларники. Зеро, бизнинг ёшлар ҳеч кимдан кам эмас. Бизнинг ажодларимиз дунё илмининг ривожига бебахор ҳисса қўшганлиги ҳаммага аён. Бир илм толиби сифатида амалга ошираётган ишларимни халқимиз манзур топса, эл билса бўлди...

Ҳа, камтарин инсон, иқтисод фанлари номзоди Эркин Фаниевнинг фанимиз ривожи, ажборт технологиясини такомиллаштириш йўлидаги хизматлари элимиз томонидан муносиб тақдирланди. Мамлакатимиз мустақиллигининг 12 йиллиги муносабати билан давлат мукофотига сазовор бўлганлар орасида у ҳам бор. Э.Фаниев Президентимиз Фармонига асосан «Шухрат» медали билан мукофотланди. «Меҳнат қилган элда азиз» деганлари шу бўлса керак...

Абдусаттор СОДИҚОВ

## ОЛИМНИНГ ОЛИМЛИГИ НИМАДА?

билан ризқ-насиба улашган. Эркинжон отаси билан яйлов кезиб, ҳалол нон топишни қанчалар машаққатли эканлигини ўз кўзи билан кўрган.

Қишлоғидаги 37-мактаб директори Тоштемир Валикулов қаттиққўл раҳбар эди. У болаларни «аъло» ўқишга давват этарди. Ўзи математикадан дарс берарди. Эркиннинг қалбида математикага ҳавас ва ихлос уйғотган ҳам Тоштемир ака бўлди. «Билсаларинг, математика фанига бизнинг юртдошларимиз Хоразмий, Берунийлар асос солган. Биз ана шундай буюқ шахслар авлодидан эканлигимизни эсдан чиқарманглар», дерди у. Кейинчалик, ўрта мактабни битирган Эркин Самарқанд давлат университетининг амалий математика факультетида ўқишга кирди.

Эркин Фаниев ўзининг илмий фаолиятини 1977 йилдан А.Қодирий номидаги Жиззах ДПИда бошлади. Шу йиллар даврида у «Оптимизация» илмий текшириш лабораторияси мудири, педагогика факультети декани ўринбосари, «Иқтисодий информатика ва менежмент асослари» кафедраси мудири лавозимларида фаолият кўрсатди. Ҳозир «Ахборот технологиялари асослари» кафедраси мудири. 1987 йилда информатика соҳасида номзодлик диссертациясини ёқлади. Айна кунда

мутахассисликлари бўйича қисқа муддатли курслар ташкил қилинган. Унда институт профессор-ўқитувчилари, хўжалик ходимлари, уларнинг фарзандлари ҳамда иқтидорли болалардан 500 нафари компьютер саводхонлиги бўйича бепул таълим олдилар. Эътиборли жиҳати шундаки, мазкур курсларда шахардаги кам таъминланган оилаларнинг 46 нафар фарзанди ҳам бепул ўқитилди. Улар маҳалла кўмиталари тавсияси билан қабул қилинган. Бу йил яна 50 нафар кам таъминланган оила болалари бепул ўқитилади. Институт оталиққа олган 6-ўрта мактаб ўқувчилари ҳам ана шу имтиёздан фойдаландилар.

Эркинжоннинг хонаси ҳамаша одамлар билан гавжум бўлади. Қайсидир талаба қарзини тўғрилаш учун рухсат сўрайди, кимдир қисқа муддатли курсларда ўқиш учун ҳужжат топширади. Олим чарчаганда эшитадиган бурчакдаги эски радио, стол устидаги бир уюм қоғозлар, жавондаги китоб ва журналлар мўъжаз хонага ўзгача бир файз бағишлаб тургандек, гўё. Чунки у оддийликни, самимийликни яхши кўради. Одамларнинг ҳеч тортинмай, ака-укадек мулоқотда бўлишининг боиси ҳам шунда бўлса, ажабмас. Шоғирдлари бошқа кенгроқ хонага ўтмайисми, деса-

ўқитувчиси» деган номга сазовор бўлди. 1999 йилда эса грант совриндори бўлиб, ўша йили 2 ой мобайнида Франция миллий таълим тизимини такомиллаштириш йўлларини ўрганиб қайтди. 2001 йил 15 апрелда Ўзбекистонда биринчи марта ўтказилган INTERNET — UZ миллий интернет фестивалида институт олган 1-ўринда ҳам унинг хизматлари катта. Ҳозир у вилоятда «Истеъдод» жамғармасининг ижрочи директори бўлиб фаолият кўрсатаётир.

Яшин Исмадиев, тадбиркорлик ишлари бўйича проректор:

— Унда ҳозирги замон олимлариға хос бўлган барча хислатлар мужассам. Изланувчан, талабчан, энг муҳими, тадбиркор. У ўзи раҳбарлик қилаётган курслари билан институтимизға қўшимча сармоя топишда катта ёрдам қилмоқда. Аҳолиға компьютер саводхонлигини ўргатиш йўли билан институт хазинасига йилига 1,5-2 млн сўм маблағ туширади.

Абдували Шамсиев, ўқув ишлари бўлими бошлиғи:

— Эркин ўзининг билими, одоб-ахлоқи, маданияти билан талабалар ишончини қозонган устоздир. Мен ўйлайманки, агар талабалар ўртасида устозлар ҳақида сўрвонма ўтказилса, ҳеч шубҳа йўқки,

## ҚАЛЪЛАРГА МАЛҲАМ УЛАШГАН УСТОЗ

Яхши куй-кўшиқ ширин сўз мисол инсон қалби, руҳияти озиғи. Инсон кўнглининг эзгуликка эшлиғи, ёмонликка қарши қурашдаги галабаси сири ҳам айна мафтункор ва сирли наво қувватидан куч олишидан. Шу боис бўлса керак, куй-кўшиққа ошуфта бўлмаган қалб йўқ бу дунёда. Фотиҳ ака Бурҳонов ҳам ёшлигидан сеҳрли сас қудратига ошиқ ўсди. Бунда, энг аввало, отаси Эшонжон Ҳазратнинг ўқимишли киши бўлганлиги, яъни диний илмдан воқиф бўлиши билан бир қаторда бир неча дунёвий фанлардан ташқари турк, форс, араб ва рус тилларини ҳам яхши ўзлаштирганлиги қўл келди.

Отасидан мерос ўтган илмга муҳаббат туйғуси 1954 йилда ўрта мактабни битирган илмга ташна йигитни Низомий номидаги педагогика институтининг ўзбек тили ва адабиёти факультетининг кечки бўлимига ҳужжат топширишга ундади. Олий ўқув юртининг кечки бўлимида тахсил олар экан, Фотиҳ Бурҳонов ҳозирги Шайхонтоҳур туманидаги 11-ўрта мактабда мураббий сифатида ҳам ўзининг дастлабки иш фаолиятини бошлади. Ёш ўқитувчи тез орада мактаб жамоаси ўқувчилар ўртасида эътибор қозонди. Бу эътибор, ишончнинг оқлаш эса инсондан янада кўп изланиш талаб қилишини ҳис этган толиб санъатга бўлган меҳ-

рининг бўлакчалиги боис, аввал пойтахтимиздаги Ҳамза номидаги мусиқа билим юртининг ўзбек миллий чолғу асбоблари бўлимида, кейинчалик Мухтор Ашрафий номидаги Тошкент давлат консерваториясида ўқиди. Талаблик йилларида ҳам Ф.Бурҳонов ўз устида тинимсиз ишлади, ўқиди, изланди. Шундан сўнг Шайхонтоҳур туманидаги 23-ўрта мактабда ўқитувчилик фаолиятини давом эттирди. Бу даврда эса ёш ўқитувчиларда ўзига билдирилган ишончнинг йўқотиб қўйиш ҳадиғи анча узоклашган бўлиб, илмининг теранлиги билан кўпчилик эътиборини қозонган билди.

Иқтидорли ўқитувчи кейинчалик Ўзбекистон Халқ таълими вазирлигига қарашли республика ўқув-методика кабинетидида мусиқа ва эстетик тарбия бўйича катта методист бўлиб ишлади. Тажрибали мутахассис кўп йиллик иш фаолияти давомида республика мактабларида мусиқа ва эстетик тарбияни янада такомиллаштириш мақсадида ўқитувчи ва методистлар учун турли мавзуларда семинар ва конференциялар ўтказди. Бу эса, таълим муассасаларидаги мусиқа дарсларининг янада жонли ўтилишига, ўқувчиларнинг мусиқа сеҳрини, унинг куч-қудратини ҳис этишларига ёрдам берди. Айниқса, мактаб ўқувчилари ўртасида ўтказиладиган «Ашула байрамлари»нинг ташкил этилиши эъти-

### Ta'lim fidoyilari



борли бўлди. Чунки, бу байрам кўплаб етишиб чиқаётган ёш истеъодларни кашф этишга хизмат қилмоқда.

Бундан ташқари изланувчан ўқитувчи тўплаган тажрибалари асосида 1972 йилда республика мактаб ўқувчилари орасида мусиқа ва эстетик тарбияни ривожлантириш мақсадида Халқ таълими вазирлиги, Ўзтелеерадиокомпанияси ва Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси билан ҳамкорликда 7 йилга мўлжалланган «До, ре, ми, фа, соль» ўқув программа теледастурини ишлаб чиқди. Ва тасдиқланган дастур асосида Ўзбекистон телевидениесининг Болалар ва ўсмирлар студиясида 1972—78 йилларда ушбу му-

сиқали ўқув кўрсатувини олиб борди. Ўша кезларда ўқувчи-ёшлар ўртасида кўрсатув шу қадар оммалашиб кетдики, тахририятга айна кўрсатув ҳақида республика вилоятлари ҳамда Тожикистон, Қирғизистон ва Қозғистон мактаб ўқувчилари томонидан 20 мингдан кўпроқ хат келган эди.

Фотиҳ Бурҳонов 1977 йилда Қори-Ниёзий номидаги ЎзПФИ-ТИнинг эстетик тарбия бўлимига илмий муҳбир бўлиб қабул қилинди. Бу эса унинг ҳаётидаги бой тажрибасини тўплаб, илмий иш олиб боришига туртки бўлди. 1980 йилда Иттифоқ Педагогика фанлар академияси ва Қирғизистон Фанлар академиясининг академиги Азиз Измайлов раҳбарлигида «IV — VII синф ўқувчиларининг эстетик тарбиясида болалар мусиқали телекўрсатувлари муҳим манба» мавзусида номзодлик диссертациясини ёқлади. Шундан сўнг у 1982 йилда республика Халқ таълими вазирлигининг Мактаблар бошқармасида болалар мусиқа мактабларининг бўлим бошлиғи этиб тайинланди. Ушбу даврдан бошлаб тажрибали мутахассис мусиқанинг ёшлар қалбига кириб бориши, уларнинг маънавиятли бўлишлари учун кўплаб эзгу ишларни амалга ошириб келди. Эътиборлиси, айна даврда ўзбек мумтоз мусиқаси болаларимиз

тилида жаҳон саҳналарида ҳам ижро этилди.

1985—2000 йиллар мобайнида эса Ф.Бурҳонов республика тасвирий ва амалий санъат мактаб-интернатида директор этиб тайинланди. Бу йиллар ҳам ўқитувчи хотирасида унутилмас муваффақиятлар, куй сеҳрини инсон қалбига сингдиришда машаққатли изланишлар даври бўлиб қолди.


Ф.Бурҳонов республика мактаб ўқувчилари орасида мусиқа санъатини ривожлантириш, уларга эстетик тарбия бериш мақсадида 40 дан ортиқ илмий мақолалар, мусиқа мактаб ўқувчилари учун Ўзбекистон бастакорларининг фортепьяно, скрипка ва ўзбек миллий чолғу асбоблари учун ёзилган асарлардан ташкил топган ўндан ортиқ тўпламлари, шунингдек, 7-синф ўқувчилари учун яратилган мусиқа дарслигининг ҳаммуаллифидир.

Бугун кексалик гаштини сураётган ўқитувчи юртимизда мусиқа ривожи йўлида амалга ошириладиган ишларни кўриб қувонади. Зеро, куй-кўшиқ — руҳ қуввати. Руҳий жиҳатдан бақувват инсон қалби эса эзгуликка ошуфта бўлади.

**Сони СОДИҚОВ,**  
**республика**  
**Тасвирий ва амалий**  
**санъат лицейи директори,**  
**Баҳодир ЖОВЛИЕВ,**  
**«Ma'rifat» муҳбири**

НЬЮ-ЙОРКДА ҲАЛОКАТ

Нью-Йоркнинг Манхетэн ва Стейтен-Айлен туманларини бирлаштириб турувчи йўловчилар ташиш(паром) кемаси катта тезликда келиб қирғоқдаги тўхташ жойига урилган. Ҳалокат натижасида 10 киши дунёдан кўз юмган ва 42 киши оғир тан жароҳати олган. Йўловчиларни ташувчи паром кема бошқарувчиси ҳалокатдан сўнг воқеа жойидан қочиб қолган ва уйига бориб ўз жонига қасд қилган. "Тез ёрдам" хизмати кема бошқарувчисининг ҳаётини сақлаб қолишга эришган. Аммо, унинг аҳволи ниҳоятда оғир, деб хабар беради полиция мажмаси. Баъзи бир йўловчиларнинг айтишича, кема бошқарувчиси ўз жойида ухлаб қолган ва қирғоққа яқинлашиб қолган кема тезлигини камайтиришга улгуролмаган. Нью-Йорк мэри Майкл Блумберг "кема ҳалокати аτροφлича текширилади ва тўқнашув сабабчилари албатта жазоланади" деб айтиб ўтди оммавий ахборот воситалари ходимлари билан бўлган учрашувда.



Французларнинг дунёда маданиятли халқ эканлигини ҳамма билади. Шунинг учун бўлса керак, бугун Европа халқларида бир ажойиб гап юради. "Жанжашмоқчи бўлсанг англизча гапир, сўкинмоқчи бўлсанг немисча гапир, агар севган кизингга севги изҳор қилмоқчи бўлсанг французча гапир". Биз бу иборадан бир қанча маънолар чиқариб олишимиз мумкин. Яхшиси бунга тўхталмай бугунги Франция давлати ҳақида бир мулоҳаза юритсак.

Замонавий Франция аҳолисининг кўп қисми шаҳарларда ишлайди ва яшайди. Қишлоқ хўжалиги билан 6 фоиз аҳоли шуғулланади. Техника билан яхши қуролланганлик ва агрономия фани ютуқларини жорий этиш тугайли мамлакат аҳолиси қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан тўла таъминланган, ҳатто чорвачилик маҳсулотлари экспортга жўнатилади. Аҳолининг 85 фоизини ёлланма меҳнат қилган кишилари — ишчилар, хизматчилар, зиёлилар ташкил этади.

Франция Европанинг ғарбида жойлашган бўлиб, ҳудуди 551 минг км² дир. Умумий аҳолиси 61,1 миллион. Уларнинг 90 фоизи французлардир. Тўрт миллиондан кўпроги чет элликлардир (жазoirлик, португаллар, италянлар, испанлар, арманлар ва бошқа миллат вакиллари). Пойтахти Париж шаҳри, яъни шаҳарлар онаси. Париж шаҳрининг рамзи (герби)да кумушимон кемача тасвирланиб, унда "чайқаладию, лекин чўкмайди" деган ёзув бор. Бу шаҳар мана саккиз аср бўлибдики, Франциянинг сиёсий маркази, унинг пойтахти бўлиб, бутун мамлакатга жуда катта таъсир кўрсатиб келмоқда. Катта Парижда 10 миллион аҳоли истиқомат қилади. У Франция ҳудудининг 1,5 фоизини эгаллайди, бироқ мамлакат саноат маҳсулотининг тўртдан бир қисмини ишлаб чиқаради.

Бу ерда фанни кўп талаб қиладиган тармоқлар кенг тарқалган, "париж маҳсулотлари" бўйича эса у кўп асрлардан бери бутун дунёга машҳурдир. Бу ерда етакчи илмий муассасалар, монополияларнинг ва кўплаб халқаро ташкилотларнинг штаблари жойлашган. Бундан ташқари Франциянинг дунёга машҳур бир қанча шаҳарлари Марсел (1,2 миллион), Лилль (1,2 миллион), Лион (1,2 миллион) бор. Франциянинг ҳудудий бўлиниши 95 та департаментдан ва Корсика оролидаги 4 та

денгиз ортидаги департаменти — Гваделупа, Гвиана, Мартиника ва Реюньонлардан иборат. Давлат тили француз тили. Аҳолининг асосий қисми христиан динига эътиқод қилади. Тўрт миллиондан ортиқ мусулмон истиқомат қилади. Пул бирлиги франк, унинг чақаси сантим.

Франция давлати Ўзбекистон билан дипломатик алоқаларни мустақилликдан сўнг ўрната бошлади. 1992 йил 3 январда Франция Ўзбекистоннинг мустақиллигини тан олди. 1992 йил 1 мартдан дипломатик алоқалар йўлга қўйилди. 1993 йил 27-30 октябрь кунлари Президентимиз И.Каримов Франция Республикасида расмий ва амалий сафарда бўлди.

Сафар натижасида Парижда Ўзбекистон Рес-

Dunyo mamlakatlari

коммерсиал де Франс" банки завод қурилишини ҳам маблағ билан таъминлади. Ўзбекистон бу банкка маблағ қўйди, у ҳамкорлик учун кафолат бўлиб турибди. Ана шу ҳамкорлик ва ҳужжатлар қаторига 1994 йил 25-27 апрель кунлари Франция Президенти Ф.Миттераннинг Ўзбекистонга қилган расмий ташрифи чоғида имзоланган икки мамлакат ташқи ишлар вазирликлари ўртасидаги ҳамкорлик тўғрисида, Ўзбекистон ва Франция ўртасида фуқароларнинг эркин ҳаракати ҳақидаги битимлар, шунингдек, ҳаво транспорти соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги декларациялар қўшилди. 1996 йил апрель ойида Ўзбекистон Президенти бошчилигидаги давлат делегациясининг Францияга ташрифи чоғида икки мамлакат ўртасида икки томонлама солиқ олмаслик тўғрисида конвенция ҳамда молиявий Протокол имзоланди. Ўзбекистон билан Франция ўртасида иқтисодий, илмий, маданий алоқалар кенгайиб бормоқда. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, озиқ-овқат, нефть ва газ саноати,

ишчилар аъзо бўлган. Республикани қувватлаш бирлашмаси бу голлчилар партиясидир. Унга 1958 йил де Голл томонидан асос солинган. Ҳозирда унинг ҳам 200 мингга яқин аъзоси бор. Либерал демократик партияси 1966 йилда тузилган. Булардан ташқари бир қанча партиалар ҳам ўз фаолиятини олиб бормоқда. Шу ерда Франциянинг ташқи сиёсий алоқаларига ўтсак, Франция 1945 йил БМТга аъзо бўлган ва унинг доимий хавфсизлигини таъминловчи давлатларнинг биридир. 1949 йил Европа Иттифоқига, 1954 йилда эса евроатомга аъзо бўлиб кирган. Охири вақтларда Франция Европада ўзининг алоҳида сиёсатини юргиздира бошлади. У атом ядроси бўйича АҚШ ва Россиядан кейинги ўринда туради.

Франция ҳозирда иқтисодий ўсиш ва чет элга сармоя киритиш бўйича АҚШ, ГФРдан кейин учинчи ўринда туради. Ўртача бир ойлик маош 6663.67 франкни ташкил қилади. Францияда 10 миллион пенсионер рўйхатга олинган.

Шу кунларда 400 дан ортиқ олий ўқув юртлари фаолият кўрсатмоқда. Парижнинг ўзида 13 та университет бор. Уларнинг ичида энг буюги Сарбона университетидир. Энг катта университетлари: Эксан-Провонсе, Марсел, Гренобл, Страсбург, Тулуза, Лилль, Ницца ва бошқалардир. Умуман Францияда таълим учун давлат ўз бюджетининг 7 фоизини ажратади.

Франциянинг энг йирик кундалик газеталари "Монд" (400 мингдан ортиқ нусха), "Фигаро" — эрталабки газета, 1926 йилдан чиқа бошлаган, тиражи 400 мингдан ортиқ. "Франс-суар" кечки газета (200 минг), "Либерасьон" — (240 минг), "Юманите" (117 минг) ва бир қанча сиёсий сатирик газеталар, "Канор Аншень" (520 мингдан ортиқ) газеталари чоп этилмоқда. Энг йирик журналлари "Экспресс" — ҳафталик (400 минг), "Пуэн" — сиёсий журнал (300 минг), "Нувель обсерватёр" (430 минг), "Пари-Матч" (690 минг) ва бошқа журналлар чоп этилади.

Давлатнинг телекомпаниялари "Франс-1" ва "Франс-2" фаолият кўрсатади. Катта хусусий телевидениелари "ТФ-1". Пулли телеканал "Канал-плюс". Оммабоп канали "Арте"дир.

Давлатга қарашли радиоканаллари "Радио-Франс" бунда бир қанча каналлар мавжуд. "Франс-интер", "Франс-мюзик", "Радио-Франс-энтэрнас-ональ" ва бошқалар мавжуд. Мамлакатда маҳаллий 1,5 мингга яқин радиостанциялар бор.

Энг йирик ахборот агентлиги Франс Прессдир. У бутун дунёга ахборот таркатади.

Ш.АХМАТОВ тайёрлади.

ЖОРЖ БУШ ЁСИР АРОФАТНИ АЙБЛАМОҚДА

АҚШ президенти Жорж Буш ўз баёнотида Фаластин мухторияти раҳбари Ёсир Арофатни танқид қилди. Ушбу баёнот Фаластинда АҚШ дипломатларига қарши уюштирилган кўпурвчилик ҳаракатидан сўнг эълон қилинди. Жорж Буш Фаластинда террорчилик гуруҳларига нисбатан ҳеч қандай кураш олиб борилмаётганлигини ва бу аҳволда Фаластин ерида ҳеч қачон тинчлик ўрнатилмаслигини таъкидлаб ўтди.

Фаластин мухториятига тинчлик ўрнатиш ва осойишта ҳаётни таъминлашда ёрдам кўрсатиш мақсадида келган АҚШ дипломатлари Фаластин талабалари билан учрашувга шошиб кетаётган бир пайтда террорчилик хуружига учрашган. АҚШ президенти ўз баёнотида террорчилар ривожланиш ва Фаластин халқи душмани эканлигини, АҚШ ҳукумати эса террорчилар билан дунёнинг ҳамма нуқтасида курашишга тайёрлигини билдириб ўтди.

ОЗАРБОЙЖОНДА САЙЛОВ


Озарбойжон Республикаси марказий сайлов комиссияси собиқ президент Ҳайдар Алиевнинг ўғли Илҳом Алиев 79,5 фоиз овоз тўплаб, ҳамма рақибларини доғда қолдиргани ҳақида хабар берди. Шу кунгача 41 ёшли Илҳом Алиев Озарбойжон ҳукуматини бошқариб турган эди. Сайлов натижалари эълон қилингандан сўнг "Мусават" партияси вакиллари норозилик намойишини бошлаб юборишди. Сайлов натижаларидан қониқмаган "Мусават" партияси вакиллари Боку кўчаларида тартибсизликлар уюштирди. Натижада полиция ва муҳолифатчилар ўртасида кучли тўқнашувлар вужудга келди. Боку марказидаги кўплаб биноларга шикаст етди. Полиция томонидан қонунбузарларга қарши кўздан ёш оқизувчи газ ишлатилди.



Воқеа халқро кутатувчилар ҳисоб-китоб ишларини олиб бораётган бир вақтда содир бўлди, деб хабар беради ИТАР-ТАСС ахборот агентлиги.

АЛ-ҚОИДАНИНГ ҚЎЛИ

Ироқнинг пойтахти Бағдодда жойлашган "Бағдод" меҳмонхонаси ёнида бўлган кўпурвчилик ҳаракатини халқро террорчилик "Ал-Қоида" гуруҳи ўз бўйнига олди. Бу ҳақда "Ashard al Awsat" газетаси хабар беради. Ушбу газетанда чоп этилган мақолада 1993 йилда Нью-Йоркдаги халқро савдо марказининг ертўласида содир этилган кўпурвчилик ҳаракати ва "Бағдод" меҳмонхонаси ёнидаги портлаш бир гуруҳнинг иши, яъни бу кўпурвчилик ҳаракатларини "Ал-Қоида" гуруҳига кирадиган "Абу Хафса ал-Масри" гуруҳи уюштирганлиги ҳақида хабар берилган.



Террорчиларнинг асосий мақсади, Ироқдаги АҚШ разведка хизмати ва АҚШ коалицион кучлар раҳбарияти жойлашган бинога шикаст етказиш бўлган.

Сарвар ФАЙЗУЛЛАЕВ интернет манбалари асосида тайёрлади.



публикаси ва Франция Республикаси ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисида шартнома, маданият, илмий-техникавий ва маориф соҳасида ҳамкорлик қилиш тўғрисида сармоядорларни ўзаро рағбатлантириш ва ҳимоялаш тўғрисида битим имзоланди.

Мамлакатимиз раҳбарининг Париж хартиясини имзолаши Республикаимизда демократиянинг ривожланиши, шунингдек, Ўзбекистоннинг Европа ва бошқа тараққий этган мамлакатлар билан янада яқинлашувида муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Ўзбекистон Миллий банки билан Франциядаги йирик "Кредит коммерсиал де Франс" банки ўртасида битим имзоланди. Унда Бухорода нефтни қайта ишлаш заводи қуриш лойиҳасини сармоя билан таъминлаш кўзда тутилди. Дунёга машҳур "Элф-акитен" нефть-химия концерни, "Технинг" фирмаси ва бошқа компаниялар билан Бухорода нефтни қайта ишлаш заводи қуришга киришилди. Франция ва Ўзбекистон ўртасида савдо-сотиқ ҳисоб-китобларни таъминлаб турган "Кредит

қурилиш ва бошқа соҳаларда ҳамкорлик қилинмоқда.

Францияда қонун чиқарувчи орган парламентдир, у умумий овоз бериш йўли билан сайланади. Парламент икки палатадан иборат бўлиб, миллий йиғилиш (557 нафар депутат) ва республика Кенгашидан иборат, бу ҳозирда Сенат деб юритилади. Палаталарнинг биргаликдаги мажлисида республика Президенти чекланган ваколат билан сайланади. Ҳукумат миллий йиғилиш олдида ҳисоб беради. 1946 йилда конституцияси қабул қилинган.

Иккинчи жаҳон урушидан кейинги Франция тарихи уч даврга бўлинади: вақтинчалик режим (1944-1945 йиллар), Тўртинчи республика (1946-1958 йил) ва Бешинчи республика 1958 йилдан ҳозирги кунгача ҳокимият шу тарзда давом этмоқда.

Франциянинг сиёсий партияларига тўхталадиган бўлсак, энг йириклариди Франция социалистик партияси, у 1971 йилда шаклланган. Унинг 200 мингга яқин аъзоси бор. Асосан унга давлат хизматчилари, ўқитувчилар ва

СОҒЛОМЛАШТИРИШ  
ДАСТУРИ АМАЛДА

Халқ таълими вазирлиги Соғлиқни сақлаш вазирлиги, «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси ва Procter@Gamble компаниялари ҳамкорлигида 1998-2003 йилларда Ўзбекистонда соғломлаштириш дастури — «Жозибатор табассум», «Балоғат даври», «Соғ тан — соғлом бола» тузилди ва шу дастур асосида режалаштирилган ишлар амалга оширилди.

«Жозибатор табассум» тиш касалликларининг олдини олиш мақсадида тузилган бўлиб, бунда шу соҳа мутахассислари оғиз бўшлиғи гигиенаси қоидалари бўйича бошланғич синф ўқувчиларига машғулотлар ўтказишди. Утган 1997-2003 йиллар давомида 400 000 нафар 2-синф ўқувчилари бу борада кўпгина маълумотларга эга бўлишди.

«Балоғат даври» дастуридан кўзланган мақсад, репродуктив саломатлик, соғлом турмуш тарзини шакллантириш ва гигиеник маданият даражасини кўтариш эди. Дастур асосида малакали мутахассислар, гинекологлар балоғат даври (6—7-синфлар) қизларига ўтиш даври анатомияси ва физиологияси ҳамда гигиенанинг асосий қоидалари ҳақида маърузалар ўқидилар. Бу машғулотларда қатнашган ҳар бир ўқувчи кизга «Сиз ҳақингизда...» номли китобчалар тарқатилди. Бу китобчалардан улар балоғат даврида рўй берадиган ўзгаришлар ҳақида билиб оладилар.

Яқинда Тошкент шаҳрида Халқ таълими вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, «Соғлом авлод учун» жамғармаси, Procter@Gamble вакиллари йиғилиб, келгусида амалга ошириладиган ишлар ҳақида келишиб олдилар.

Муҳайё САМИНЖОНОВА,  
РТМ етакчи услубчиси

Ер юзидаги бутун мавжудот, шу жумладан, инсон ҳаётини ўсимликларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Мана шу яшил бойлигимиздан инсон неча минг йиллардан буён ўз эҳтиёжларини қондириш мақсадида фойдаланиб келмоқда.

Аммо кейинги йилларда табиат аталмиш яшил бойлигимизнинг қадрига етмай уни пайҳон қилиш ҳоллари юз бермоқда. Содир бўлаётган турли табиий офатлар, завод ва корхоналардан чиқётган заҳарли газ-

матимизнинг алоҳида эътибори натижасида юртимизда айрим шифобахш ўсимликларнинг тури, сони ва майдони анча кенгайди. Жумладан, анзур ва суворов пиёзлари олдинги ҳолатига етмаган бўлса-да, қўпайиб бораётганлиги сезилмоқда. Лекин, айрим ўсимликлар, жумладан, омонқўтон лоласи, таргил ва қизил лолалар, цском пиёзи, широч, чаканда (облипах) каби манзарали ва доривор гиёҳлар, буталар камайиб бормоқда. Бунинг айрим, аниқроғи, табиий

хаёлларига ҳам келтирмайдилар. Бу ҳам етмагандек овқат қилиш, бошқа сабаблар билан табиат қўйнида олов ёқиш янада фожиалидир. Чунки олов натижасида биринчидан, турли ноёб гиёҳлар илдиизигача нобуд бўлса, иккинчидан, нодир дарахт ва бута шохлари ўтин баҳонасида синдирилиб, ёқиб юборилмоқда.

Оқибатда шохлари синган дарахтлар қуриб қолмоқда. Сайёҳларни меҳмон қаторида кўрган маҳаллий аҳоли эса уларнинг бундай қилиқларига бе-

# ТАБИАТ БИЗНИНГ ЎЙИМИЗ

Ekologiya

лар, тупроққа тушаётган кимёвий бирикмалар флорамизга катта салбий таъсир кўрсатмоқда. Шунинг учун табиатда йил сайин фойдали ўсимликлар сони ва тури камайиб кетиши натижасида «Қизил китоб» саҳифаларига киритилаётганларининг сони ортиб бормоқда. Агар «Қизил китоб»нинг 1984 йилда чоп этилган биринчи нашрига муҳофазага муҳтож ўсимликларнинг 163 тури киритилган бўлса, кейинги нашрларда бу кўрсаткич қарийб 2,5 баробар кўпайганлигини кўрамиз. Ачинарлиси, «Қизил китоб»га киритилган ўсимликларнинг асосий қисмини нафақат зиравор ва доривор, балки бошқа манзарали ўсимликлар ҳам ташкил этади.

Хуш, табиий бойлигимиз бўлган ўсимликларни асраш учун Ўзбекистонда қандай ишлар амалга оширилмоқда? Ҳуку-

сабаблари юқорида кўрсатиб ўтиди. Лекин инсоний хавфлар ҳам мавжудлигини кўрсатиб ўтишимиз, лўнда айтганда, тан олишимиз лозим. Фикримни ҳаётини мисоллар билан исботламоқчиман.

Мен тоғли ҳудудда яшайман. Қишлоғимиз табиати кишини ўзига мафтун этади. Шунинг учун қишлоғимизга ҳар йили минглаб дам олувчилар ташриф буюришади. Улар табиат инъоми бўлган гузал гушаларга, сой бўйлари, дарахтзор ва бошқа кўнгилочар масканларга жойлашадилар. Ҳордиқ давомида теваарак-агрофни томоша қилишга чиққан сайёҳлар табиат гузалликларидан завқланиб, беихтиёр ўзлари билан парчасини бўлса-да олиб кетишга ҳаракат қиладилар. Натижада ноёб ўсимликларни илдиизи билан кўчириб олиб, табиий гузалликка путур етказётганликларини

эътибор қарайдилар. Ёки ичлари ачишса-да, мезбонлик ҳурматини сақлаб, индамай келмоқдалар. Буни уша меҳмонларимиз ҳам ҳис этишса яхши бўларди. Чунки бу табиий гузаллик, бу оромбахш масканлар фақат ўзлари учунгина эмас, балки келажак авлодлар, яъни фарзандлари учун ҳам қолиши зарурлигини ҳис этишлари керак деб ўйлайман.

Хуллас, табиат ҳаммамизнинг уйимиз. Шундай экан, киши ўз уйига қандай муносабатда бўлса, табиатга ҳам шундай муносабатда бўлиши лозим. Бугунги авлод бир неча ўн йил олдинги табиий неъматлардан қолганини armon билан эслайди. Шундай экан, келажак авлод ҳам бугунги табиий гузалликни armon билан эсламасин.

Нилуфар САМАТОВА,  
Янгикўрғон туманидаги  
33-мактаб ўқувчиси

## Himmat

Олимжон Мирхалилов тадбиркорликни бошлаганига ҳали кўп вақт бўлмади. У ўтган йили 27 ёшида оила курди. Олимжон худо хоҳласа, фарзанд кўрсам, бир ўйлаб кўйган режам бор, ана шуни амалга ошираман, деб дилига тугиб юрарди. Бу йил у ниятига етди, Тангри унга ўғил фарзанд ато этди. Эртаси кунийёқ Олимжон пойтахтдаги меҳрибонлик уйларида бирининг раҳбари Татьяна Саидова, унинг муовини Қобил-

## ОЛИМЖОННИНГ САХОВАТИ

жон Боймухамедовлар билан учрашиб, бу ерда хайрия қилиб беришини маълум қилди. Маслаҳат қилиниб, дам олиш кунларининг бирида тадбир ўтказилишига келишилди.

Дам олиш кунини. Меҳрибонлик уйининг ҳовлисига 400 кишига етарли қилиб жой тайёрланиб, дастурхон ёзилди. Барчага катта дошқозондаги ошдан тортилди. Ўша кун нафақат бу меҳрибонлик уйининг ходимлари, балки Олимжоннинг таниш-билишлари, қариндош-уруғлари савоб бизга ҳам тегсин деб хизматда бўлишди.

Тадбир якунида тиловат қилиниб, Олимжоннинг хайрия саховати, савоб ишига миннатдорчилик билдирилиб, келгусида унинг ишларига ривож, ўзига, чақалоқ—Миркамолга саломатлик, оилавий бахт-саодат тилаб дуо қилинди.

Т.ХОЛМУХАМЕДОВ

# ТУБСИЗ ЖАРЛИК

Ogohlik

Умрни оқар дарёга қиёс қиладилар. Бир дақиқалардан сўнг нималар рўй беришини биз билмаймиз. Вақт эса шундай олий ҳакамдирки, у ҳеч кимни, ҳеч нарсани кутиб турмайди. Ҳозирги кунда иқтидорли, билимга чанқоқ баркамол авлодни кўриб, кўз қувонади. Лекин тенгдошларимиз орасида бефарқлик туфайли турли хил иллатлар оқимига тушиб қолганлар тақдири кишини чуқур ўйга толдиради. Бугун биз мулоҳаза юритмоқчи бўлган фикрлар айнан ана шу иллатлардан бири гиёҳвандлик хусусида.

Ҳа. Биз гиёҳвандлик аталмиш жар тубига тушиб қолган ёшлар тақдири ҳақида кўп бор эшитганмиз. Хўш, улар бу иллатлар қаърига қай йўсинда тушиб қолмоқдалар? Мулоҳазаларимни билдирар эканман, яқин кунларда бўлиб ўтган бир воқеа ёдимга тушди.

Бемор ўртоғимнинг ҳолидан хабар олиш мақсадида шифохонага бордим. Ўртоғим билан суҳбатлашиб ўтирар эканман, хонага 40-45 ёшлардаги бир аёл кириб келди. Аёлнинг маънос кўзларига, ҳорғин юзларига боқар эканман, ҳаёт сўқмоқларида қийналганлигини сездим. У кишидан нега бундай ғамгинлигини сўраганимда, кўзларига ёш қалқди. Маълум бўлишича, бир неча кун аввал у кишининг яккаю ёлғиз фарзанди ҳаётдан кўз юмган.

— Турмушимиз аввалига ҳавас қилса арзигулик эди. Ўғлим тўққизинчи синф бўлгач, юриш-туришида ўзгариш бошланди. Ҳатто кетма-кет устозлари шикоятлар билан уйимизга келишди. «Ўғлингиз дарсларга қатнашмайди, сигарет чекадиган одат ҳам чиқарган» дейишарди. Тўққизинчи синфни тамомлагач, на ўқиди, на билор ерда ишлади. Мен эса тижорат ишлари билан машғул бўлиб ўғлимга умуман эътибор бермай кўйибман. Бу орада турмуш ўртоғим автомобил ҳалокати туфайли оламдан ўтди. Она эътиборидан, ота тарбиясидан узилган ўғлим ўзгарди-қолди. Уйдан аввал магнитофон, сўнгра бошқа буюмлар йўқола бошлади. Билардимки, ўғлим бу ишларнинг барчасини пул топиш мақсадида қилар эди. Лекин унинг гиёҳвандларга қўшилиб, шу оғу гирлобига чўкиб бораётганини жуда кеч англадим. Афсус, жуда кеч. Ўғлим қоралорини кўп истеъмол қилиши натижасида ҳаётдан эрта кўз юмди. «Сўнги пушаймон — ўзинга душман» - дейдилар. Ёлғизлик азоби, айриликлар мени юрак хасталигига чалинтирди, - дея ҳикоя қилди аёл, маънос тортиб.

Билдимки, бу воқеалардан сўнг аёлнинг қалби қаттиқ жароҳатланган. Унинг ҳикоясини анча вақт ёдимдан чиқара олмадим. Ёшларимизга ўрнатилган чикара олмамиз. Ёшларимизга ўрнатилган чикара олмамиз, деган мақсадда буни

қоғозга туширишга ҳаракат қилдим. Фикр қилиб кўрайлик, бу иллатнинг илдиизи қаерда?

Унга қарши курашмоқ учун нималарга эътибор бермоқ лозим? Менимча, авваламбор тарбия бунда муҳим ўрин тутди. Ота-она, устозлар, маҳалла раҳбарлари бунга масъулдилар. Улар томонидан бўлган озгина эътиборсизлик, бефарқлик фарзанд тарбиясига салбий таъсир кўрсатади. Ёшларга бўлган эътибор уларнинг эртанги кунига бўлган эътибордир. Гиёҳвандлик ва унинг оқибатлари натижасида инсон ўз умрини ўзи поймол этади. Айнан шу фикрлар хусусида ҳар бир маҳалла кекса кишилари ёшлар билан алоҳида суҳбатлар ташкил этсалар, янада соғлом муҳит вужудга келар эди.

Ҳа, гиёҳвандлик бу тубсиз жарлик. Бу иллатнинг қоронғу кўчаларидан кетиб бораётганлар тақдири аянчли якун топади. Тарбияси мустаҳкам, билимга чанқоқ ёшларнинг эса эртанги кунни порлоқ, келажак нурафшондир. Зеро, бу дунёда инсонлардан фақатгина яхши ном ва савоб ишлар қолади.

Шахло АБДУРАҲМОНОВА,  
ЎЗМУ журналистика факультетининг  
1-курс талабаси

## СПОРТЧИЛАР ТУХФАСИ

Самарқанд вилоятининг турли соҳаларида меҳнат қилаётган инсонлар "Самарқанд шаҳри куни" байрамини ўзларининг ютуқлари билан кутиб олмақдалар.

Шу жумладан, вилоят спортчилари ҳам жаҳон, Осиё спорт майдонларида қўлга киритиб келаётган ютуқлари билан кутиб олмақдалар.

Дзю-до кураши бўйича Самарқанд давлат университетининг жисмоний тарбия факультети талабаси Рустам Еникиев ва Самарқанд шаҳридаги 30-мактаб ўқувчиси Сергей Лим мамлакат фойлигини қўлга киритдилар.

Сергей Лим спорт устаси талабини ҳам бажарди. Бокс бўйича Т.Тиллаев ва И.Ўктамов, эркин кураш бўйича Сайфи Ганиев, Санжар Шодмонов ёшлар ўртасида ўтказилган Республика биринчилигида фойлигини қўлга киритдилар.

Ёзги биатлон ҳамда дуатлон бўйича Сиёб туманидаги 1-мактаб ўқувчиси Зарема Мамедова, Самарқанд давлат университетининг талабаси Руслан Носиров, Самарқанд кооператив олий ўқув юртининг талабаси Эвелина Мамедовалар Ўзбекистон биринчилиги фойлигини қўлга киритиш билан биргаликда яқинда Ўзбекистон терма жамоаси таркибидан Санкт-Петербург шаҳрида ўтказилган ёзги биатлон спорт тури бўйича Европа биринчилигида иштирок этдилар. Ушбу мусобақада Руслан Носиров кумуш медални қўлга киритди.

Камондан ўқ узиш бўйича Амет Умеров, Роза Назирова ва Мунира Нурма-

нова, юнон-рум кураши бўйича Камол Холматов, Санжар Шодмонов, Дилшод Жўраев, Бекзод Аҳмедов Ўзбекистон биринчилиги фойлигини қўлга киритиш билан бирга Осиё, жаҳон биринчиликларида муносиб иштирок этмақдалар.

— Волейбол бўйича "Ўз

дални, Қозоғистоннинг Олмаото шаҳрида ўтказилган Марказий Осиё давлатлари спортчилари ўртасида ўтказилган мусобақада ҳам фойлигини қўлга киритди.

Шашка бўйича Самарқанд давлат чет тиллар олий ўқув даргоҳининг талабаси Зокир Субхонқулов 20 ёшгача бўлган шашкачилар ўртасида жаҳон биринчилигида муносиб иштирок этиб, Халқаро спорт устаси талабини бажарди.

Яқинда Туркиянинг Истамбул шаҳрида ёшлар ўртасида юнон-рум кураши бўйича жаҳон биринчилиги ўтказилди. Унда Самарқанд давлат университетининг жисмоний тарбия факультети талабаси Бекзод Аҳмедов ва вилоят спорт қўми-

таси қошидаги Олий маҳорат спорт мактаби тарбияланувчиси Элбек Тожиевлар муносиб иштирок этиб қайтдилар.

Кикбоксинг бўйича Грецияда ўтказилган жаҳон биринчилигида Мамат Тўхтамишев фойлигини қўлга киритди.

Оғир атлетика бўйича Сухроб Раупов Ўзбекистон биринчилиги фойлиги бўлиб, ҳозирги кунда Канадада бўладиган жаҳон биринчилиги мусобақасига ҳозирлик кўрмоқда.

Самбо кураши бўйича Уральск шаҳрида ўтказилган жаҳон биринчилигида вакилларимиздан Эддор Фуломов, Дилмурод Мавлонов, Лочин Тошалиев, Дилафрўз Ибрагимов, Дамир Муҳидовлар совринли ўринларни эгаллаб, байрамга туҳфа тайёрладилар.

**М.АХМЕДОВ,**  
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган спорт устози

## Sport xabarleri

Самарқанд — ТелеКом" ҳамда мини футбол бўйича "Нафис" жамоалари мамлакат фойлигини қўлга киритдилар.

Енгил атлетика бўйича Гаяне Беглорян мактаб ўқувчилари ўртасида ўтказилган "Умид ниҳоллари" спорт мусобақаларида 2 та олтин ме-

АБДУЛЛА АВЛОНИЙ НОМИДАГИ ХТХҚТМОМИДА  
2003 ЙИЛНИНГ НОЯБРЬ ОЙИДА ҚУЙИДАГИ  
КУРСЛАРНИ РЕЖАЛАШТИРГАН

|     |   |       |
|-----|---|-------|
| 1.  | Туман (шаҳар) ХТБ методкабинет мудирлари  | 3-15  |
| 2.  | Туман (шаҳар) ХТБ назоратчилари   | 17-29 |
| 3.  | Туман (шаҳар) ХТБ физика, умумтехника фанлари методистлари  | 3-15  |
| 4.  | Вилоят халқ таълими бошқармалари, туман (шаҳар) халқ таълими бўлимлари ҳузуридаги йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш раислари учун ўқув курси | 3-15  |
| 5.  | Ташхис марказлари психологлари  | 3-15  |
| 6.  | Ўзбек тили ва адабиёти  | 3-29  |
| 7.  | Тарих-география   | 3-29  |
| 8.  | Химия ва биология   | 3-29  |
| 9.  | Математика, информатика   | 3-29  |
| 10. | Физика, умумтехника фанлари   | 3-29  |
| 11. | Рус ва хорижий тиллар   | 3-29  |
| 12. | Ёш директорлар (5 йилгача стажли)   | 3-29  |
| 13. | ЕТЭМ директор ўринбосарлари   | 3-15  |
| 14. | Инсон хавфсизлиги асослари маърузачилар курси   | 17-29 |
| 15. | Ёрдамчи мактаб ва мактаб-интернатларнинг "Одобнома" ўқитувчилари  | 3-15  |
| 16. | Кар ва заиф эшитувчи болалар мактаб-интернатларининг Конституция ва ҳуқуқ ўқитувчилари  | 17-29 |

## ЭСЛАТМАЛАР

1. Тингловчилар институт меҳмонхонасига жойлашадилар, институт кутубхонаси ва кироатхонасидан фойдаланадилар. Сафар харажатлари институт ҳисобидан тўланади. Йўл харажатлари фақат давлат транспортларининг чипталари асосида тўланади. Курсларда машғулот ўзбек тилида олиб борилади. Таникли педагог олимлар, ДТС, ўқув дастури ва дарсликлар муаллифлари, Республика Маънавият ва маърифат маркази масъул ходимлари машғулот олиб борадилар, санъаткорлар ва оммавий ахборот воситалари ходимлари билан учрашувлар ўтказилади ҳамда Темурийлар тарихи давлат музейи, Хотира майдони, "Шаҳидлар хотираси" ёдгорлик мажмуи, музейи ва бошқа зиёратгоҳларга экскурсиялар уюштирилади.

2. Тингловчиларнинг сафар гувоҳномасида юқорида қайд қилинган курслардан қайси бирига юборилгани ҳамда лавозими аниқ кўрсатилган бўлиши ва режада кўрсатилган муддатда етиб келишлари шарт.

3. А.Авлоний номидаги ХТХҚТМОМИ қошидаги санаторий-профилакторийга Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар қасаба уюшма қўмитаси томонидан берилган пул ўтказилганлигини тасдиқловчи йўлланма ёки бошқа ҳужжат асосида қабул қилинади.

**Манзил: Тошкент-95, Талабалар шаҳарчаси, Саидов кўчаси, 6-уй.**

**Транспорт: Шимолий темир йўл вокзалидан 20-троллейбуснинг "Талабалар шаҳарчаси" бекатигача.**

## Markaziy Osiyo o'yinlari kundaligi

Марказий Осиё ўйинларининг дастлабки беллашувларини дзюдочилар бошлаган эди. Юртимиз шарафини ҳимоя қилаётган дзюдочиларимиз тажриба ва маҳорат бобига рақибларидан анча устун эканини намойиш қилди. Хусусан, Ўтқир Саломов финалда тожикистонлик А.Шейховни мағлуб этиб, терма жамоамизга ilk олтин медални тақдим этди.



— Дзюдо бўйича жами жой олган енгил атлетика беллашувлари ҳам жуда кескин ва мурасасиз кечмоқда. Босқон улоқти-

ҲАМЮРТЛАРИМИЗНИНГ  
ДАДИЛ ОДИМЛАРИ

— Мусобақага Ўзбекистон терма жамоаси жигдий тайёргарлик билан келгани кўриниб турибди, деди Тожикистон дзюдо федерацияси раиси Саидмўмин Раҳимов ЎЗА мухбирига.

Қолган финал баҳсларида ҳамюртларимиз - Х.Набиев, И.Нуриллаев, М.Соколов Марказий Осиё ўйинларининг кумуш медали соҳиби бўлди.

Марказий Осиё ўйинлари дастуридан

риш баҳсида ҳамюртимиз Ольга Жоголева 49,5 метр натижа қайд этиб, олтин медал соҳибасига айланди.

Эркин кураш беллашувларида йигитларимиз биринчи давра учрашувларининг барчасида галаба қозониб, кейинги босқичга кўтарилди. Бунгача Марказий Осиё ўйинларида бошқа бирор давлат полвонлари бундай натижани қайд этмаган. Боксчиларимиз ҳам саралаш баҳсларидан муваффақиятли ўтди.



## ONAJON

Mehringizga suyanib,  
O'yin qilsam, suyinib,  
Deysiz menga kuyinib:  
Qoqilmagin bolajon!  
Sog'inch hisli xumorim,  
Bo'ynimdagi tumorim  
Yaxshi niyat, so'zlarim —  
Sizga bo'lsin onajon!  
Farzand dog'in ko'rmang siz,  
Suyanchiq bo'laylik biz,  
Ta'riflashga til ojiz,  
Borlig'imsiz onajon!

Umida MO'MINOVA,  
Ishtixon tumanidagi 79-maktabning  
9-sinf o'quvchisi



Kim u parivash, husn mulki  
xoqonidur,  
Va necha oshiqdar oning  
giryonidur.

Men Nuh emas, vasi kemasi  
mendin shu choq,  
Etgan meni g'arq — muhabbat  
to'fonidur.

Tutmish yanog'iga gul deb  
sen o'ylama,  
Qizil yanog'i — ko'zlarimning  
qonidur.

Parda ko'tarsa, qamashar  
quyosh ko'zi,  
Bunday purnur ul yuzi  
charog'onidur.

Dodim tinglab, osmon ham  
yoshlar to'kadi,  
Ko'kni o'rtaqan — Eldorning  
fig'onidur.

Eldor ASANOV,  
Urgut tumanidagi  
"Iqbot" litseyi o'quvchisi

## YOMG'IR

Tong saharda ko'chadan,  
Shar-shar ovoz chiqardi.  
Derazadan qarasham,  
Sharros yomg'ir quyardi.

Ular xuddi, loy erda,  
Qo'shiqlar kuyilashgandek.  
Oyoqda etiklarim,  
"Taq-taq" erga urgandek.

Tomchi-tomchi yomg'iroy,  
Tomchilaring shildir soy.  
Yomg'iroy uzoq yog'gin,  
So'ng boshqa erga borgin.

Sen borgan barcha joyda,  
Xursandchilik bo'ladi.  
Dehqon bobom albatta,  
Mo'l-ko'l hosil oladi.

Maftuna ANORBOEVA,  
Quyi Chirchiq tumanidagi  
11-maktabning 7-sinf o'quvchisi

"NAFOSAT"LI  
QALBLAR HAYRATI

She'r — ko'ngil oynasi. Havaslari kurtaklayotgan ko'ngillar she'rdan himo oladilar. Chinniday shaffof ko'ngillar jarangi hayratlarga bois. Ularni qog'ozga tushirish ham mashaqqatli, ham maroqli. Ana shunday zavqqa oshno yosh ko'ngillar anjumani yurtimizda har yili o'tkaziladi. Xalq ta'limi vazirligi tasarrufidagi o'quv maskanlari o'quvchilarining eng iqtidorlilari jamlanadigan "Nafosat" respublika yosh qalamkashlari uchrashuvi shu yilning 16-17 oktyabr kunlari bo'lib o'tadi. Ushbu nafosat anjumani ishtirokchilari mashqlaridan ba'zilarini e'lon qilayapmiz. Beg'ubor ko'ngillar hayrati sizda ham aks-sado beradi, degan umiddamiz.

TABIAT HAQIDA  
JO'RIFLIKLAR

Quyosh, quyosh o'rtoqjon,  
Nuring sochaver har yon.  
Toki tafting bor ekan,  
Dala dashtga kirar jon.  
\* \* \*

Oymoma, mehribonim,  
Sen-la yorug' osmonim.  
Tunlari sen haqingda,  
Ko'p so'zlar buvijonim.  
\* \* \*

Jilg'a, o'yinqaroqsan,  
Yomonlikdan yiroqsan.  
Jimir-jimir oqasan,  
Buncha ham shoshqaloqsan.  
\* \* \*

Oq bulut, parqu bulut,  
Yur ketimdan quv bulut.  
Yomg'ir bo'lib yog'ib ber,  
Erga kerak suv, bulut.

Dilnoza MALLAEVA,  
Mirzaobod tumanidagi 2-iqtidorli  
bolalar maktabining 9-sinf o'quvchisi

BIZ ZULFIYA  
QIZLARI

Tomirlarda oqqan qon  
Beruniyning qonidir.  
Bahovuddin Naqshband  
Yurtimning marjonidir.  
Vatan deb jon berganlar,  
Bekafan ko'milganlar,  
Erk, istiqloq ko'rmayin  
Jonlari uzilganlar.  
Mustaqil bo'ldi yurtim,  
Armonlaring ko'karsin.  
Nomingni qo'ymay tildan  
Avlodlaring ko'tarsin.  
Men shu bahor yurtimning,  
Erka bir boychechagi.  
Biz Zulfiya qizlari,  
Yurtimning kelajagi.

Yulduz NORBEKOVA,  
Nurota tumanidagi 15-maktab  
o'quvchisi

MEHR JO'LA  
QALB

Inson qayda bo'lmasin,  
Bir mehribon gadosi.

«Nafosat»  
anjumani

Ishonchingni oqlar kim,  
Bo'lging kelur adosi.  
Darding oshkor aylasang,  
Biroz yengil tortasan.  
Shunday odam kam derdim,  
Izlasang ko'p topasan.  
Meni taqdir yo'llari  
Olib ketdi yiroqqa,  
Yurak-bag'rim talpindi  
Shundaylarni ko'rmoqqa.  
Topdim, topdim ko'ngilda  
Jo'shib turgan mehrni,  
Eh, dunyodan shodlandim  
Uchratib shu «sehr»ni.  
Men-ku, uni uchratdim,  
Qalbimda qalb yotibdi  
Keyin bilsam ular ham  
Meni dilkash topibdi.

Gulbahor EGAMBERDIEVA,  
Jizzax shahar Zulfiya nomidagi  
«Yosh ijodkorlar uyi»ga qarashli  
«Yosh qalamkashlar» to'garagi a'zosi

MATEMATIK  
ORZUIM

Matematika — sevimli darsim,  
Bu dunyoda hammaga zarur.  
Raqamlarni bilmoqlik lozim,  
Uni anglab quraman qasr.

USTOZ VA  
SHOGIRD

Ustozning ustozini kim?  
Bilimdon olim bilim.  
Kim yaxshi olsa bilim,  
Ustozdan o'tar bir kun.

Sarvinoz JO'RAEVA,  
Sirg'ali tumanidagi  
300-litsey-maktabning  
7-sinf o'quvchisi

O'ZIMNING JONU  
TANIM

Bayramni qutlash uchun,  
Chet ellardan kelishdi.  
Nechun seni qutlamay,  
She'rim bilan Vatanim!

Sening ravnaqing ko'rib,  
Chekinar yuz ming g'anim.  
Senga doim baxshida,  
O'zimning jonu tanim!

Nodira MAJIDOVA,  
Yunusobod tumanidagi  
70-maktabning  
4-sinf o'quvchisi



## Ma'rifat

**ТАБСИС  
ЭТУВЧИЛАР:**  
Ўзбекистон Халқ  
таълими вазири  
Ўзбекистон Олий ва  
ўрта махсус таълим  
вазири, Таълим ва фан  
хотимлари касба  
уюшмаси Марказий  
Кўмитаси.

Бош муҳаррир:  
Ҳалим САИДОВ

Таҳрир ҳайъати: Йўлдош АҲМЕДОВ,  
Жуманазар БЕКНАЗАРОВ, Икром  
БҮРИБОЕВ (бош муҳаррир ўринбосари),  
Шукур ЖОНБОЕВ, Фахриддин  
КАРИМОВ (масъул котиб), Курбонбой  
МАТҚУРБОНОВ, Усмонали МУСАЕВ,  
Абдусамат РАҲИМОВ (бош муҳаррир  
ўринбосари), Хулқар ТҲИМАНОВА,  
Нурлан УСМОНОВ, Саъдулла  
ҲАКИМОВ, Ҳатир ҚОШИМОВ

Газета Ўзбекистон Республикаси  
Давлат Матбуот Кўмитасида  
№ 20 рақам билан 12 июнь  
1998 йил рўйхатга олинган.

ИНДЕКС: 149, 150. Г-925.  
Тиражи 19852. 1 2 3 4 5 6  
Ҳажми 4 босма табоқ,  
Офсет усулида босилган,  
қоғоз бичими А-3.

Навбатчи муҳаррир:  
Хусан НИШОНОВ.  
Навбатчи:  
Баҳодир ЖОВЛИЕВ.

«Ma'rifat»дан материалларни кўчириб босиш  
таҳририят рўхсати билан амалга оширилиши шарт.  
Таҳририятга юборилган материаллар муаллифга  
қайтарилмайди.

М БЕЛСИ ОСТИДА РЕКЛАМА МАТЕРИАЛЛАРИ БЕРИЛАДИ.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент,  
Матбуотчилар кўчаси, 32.

E-mail: marifat@ars-inform.uz

ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб—133-99-15, олий  
таълим янгиликлари бўлими, мактабгача ва мак-  
табдан ташқари таълим янгиликлари бўлими —  
136-55-58, хатлар, маънавий ва сийсий ҳаёт янги-  
ликлари бўлими — 136-54-23, умумий ўрта таълим  
янгиликлари бўлими, ўқувчиларни касба йўналти-  
риш ва ўрта махсус таълим янгиликлари бўлими —  
136-54-03, реклама ва тарғибот бўлими—136-54-69.

Баҳоиси сотувда эркин нархда

Pentium IV компьютерида  
Лилия БИНАШЕВА  
ва Малоҳат ТОШОВА  
саҳифалари.

«Шарқ» нашриёт-матбаа  
акционерлик компанияси  
босмахонаси.  
Корхона манзили: «Буюк Турон»  
кўчаси 41-уй

Босишга тошириш вақти — 21.00.  
Тоширилди — 21.00.